



Она-Ернинг мўъжаз аксини кўлида ушлаб турган муаллима — география ўқитувчиси. У ўз дарсларида болаларни Ватанни, унинг тупроғини, табиатини — борлигини севишга ундайди. Олий тоифали ўқитувчи Зайнабхон Умарова 11 йилдан бери Наманган вилояти, Тўрақўрган туманидаги 12-мактабда ишлаб келмоқда. Тажрибали муаллима «Йил ўқитувчиси-2000» республика кўрик-танловида фахрли 2-ўринга лойиқ деб топилди.

Суратда: голиба муаллима Зайнабхон Умарова.

Равиль АЛБЕКОВ олган сурат.

ТАБРИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Навоий кон-металлургия комбинати жамоасига 2000 йилда юксак иш кўрсаткичларига эришганлиги муносабати билан самимий тилаклар билдирилган табрик мактубини йўллади.

КЎМИТА ЙИГИЛИШИ

Олий Мажлис Ёшлар ишлари кўмитасининг навбатдаги йиғилишида «Ҳар маҳаллага бир спорт мажмуи» ҳаракатини амалга ошириш режаси лойиҳаси муҳокама қилинди.

GERMANYALIKLAR TUHFASI

Самарқанд тиббиёт ин-

СЎНГИ УЧ КУН МУЖДАЛАРИ



ститутининг клиникаси жамоаси германияликлардан ажойиб тухфа олди. Хорижликлар клиниканинг асаб касалликлари ва жаррохлик кафедрасига 12,5 миллион сўмлик «ЦЕЙСЕ ОРМ 1 NC» русумли микроскопни инсонпарварлик ёрдами сифатида тақдим этди.

ГРАНТ ШАРТНОМАЛАРИ ИМЗОЛАНДИ

«Шератон» меҳмонхона-

сида Япония ҳукумати-нинг «Шифохоналарни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлаш» лойиҳаси бўйича грант шартномаларини имзолаш маросими ўтказилди. Ажратилган грант шартномаларининг умумий қиймати 188 минг АҚШ долларини ташкил этади.

АНЖУМАН

Республика ўқувчиларининг «Биоэкосан» ўқув-услубий марказида АҚШ-нинг халқаро «Глобал» таълим лойиҳаси ҳомийлигида «Гиёҳванд моддаларсиз мактаб» мавзусида илмий-амалий халқаро анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОЙИШИ

“МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ: АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ТАМОЙИЛЛАР” ФАНИ БЎЙИЧА ТАЪЛИМ ДАСТУРЛАРИНИ ЯРАТИШ ВА РЕСПУБЛИКА ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА ЖОРИЙ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Олдимизга қўйган олижаноб ва буюк мақсад—миллий истиқлол ғояларини халқимиз, аввало, ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало, ёшларимиз онгига сингдириш жараёнини таҳлил қилувчи ва такомиллаштирувчи махсус методологик комиссия таркиби тасдиқлансин.

Комиссияга таълим турлари бўйича юқори малакали олим ва мутахассислардан иборат эксперт гуруҳларини ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

2. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқитиш юзасидан халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг таълим турлари ва босқичларида белгиланган соат ҳажмлари, профессор-ўқитувчиларни малака ошириш курсларидан ўтказганлиги, педагог кадрлар учун тажрибавий дастурлар, маъруза матнлари ва ўқув қўлланмаларини тайёрлаганлиги, ўқувчи ва талабалар билимини назорат қилишнинг турли шакллари ишлаб чиққанлиги, Фан ва техника давлат кўмитаси томонидан миллий истиқлол ғоясининг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган давлат илмий-техник дастури шакллантирилганлиги ҳисобга олиниб, уларнинг таълим жараёнига жорий қилиниши методологик комиссия томонидан ўрганиб борилсин.

3. Комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Фан ва техника давлат кўмитаси ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда:

—барча таълим турларида мазкур фанини ўқитишда, таълим жараёни илмий-услубий томонларини жорий ўқув йилининг якунигача ўрганиш мақсадида, бир ҳафта муддатда, етарли илмий салоҳиятга эга ва тажрибали педагог кадрлари мавжуд бўлган таълим муассасаларидан иборат, мамлакат микёсида, экспериментал майдончаларини белгиласинлар ва эксперт ишчи гуруҳларини ташкил қилсинлар;

—тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмаларини юқори малакали экспертлар муҳокамасидан ўтказиб, уларнинг мазмунини алоҳида назорат қилсинлар;

—жорий ўқув йилининг якунига қадар миллий истиқлол

ғоясини ёшлар онгига сингдиришда, дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, уларни экспериментал майдончаларда синовдан ўтказиш, ижобий натижаларни янги ўқув йилидан таълим жараёнига кенг жорий қилишни таъминласинлар;

—2001 йилнинг 25 февралига қадар олий таълим муассасалари учун маъруза матнларини яратиш, Давлат матбуот кўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил қилсинлар;

—2001 йилнинг 15 августига қадар умумий ўрта таълим муассасалари учун “Одобнома”, “Ватан туйғуси”, “Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсликларини уларга қўйиладиган талабалар даражасида қайта ишлаш, Давлат матбуот кўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни таъминласинлар;

—жорий йилнинг 1 сентяб-рига қадар ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари учун тажрибавий қўлланмани яратиш, Давлат матбуот кўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ва жойларга етказишни ташкил этсинлар;

—ўқув йилида орттирилган тажриба ва синовдан ўтган методик ишланмалар асосида июн-август ойларида мазкур фандан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини оширишни ташкил этсинлар.

4. Махсус методологик комиссия “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фанини ўқув жараёнига жорий қилиш мониторингини олиб борсин. Унинг таҳлили асосида таълим дастурларини такомиллаштиришга қаратилган кўрсатма ҳамда тавсияларни ишлаб чиқишни ташкил этсин ва амалга оширилишини таъминласин.

5. Мазкур Фармойишнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ва Бош вазир ўринбосари Ҳ.Кароматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2001 йил 18 январь

Ўзбекистон Республикаси Фан ва Техника Давлат Кўмитаси таркибида ўз фаолиятини юритаётган Давлат патент идораси юртимиз фуқароларининг патент ҳуқуқи соҳасидаги ҳужжатларнинг амал қилиниши билан боғлиқ қонун ислоҳотлари, ихтиролар, фойдали моделлар, саноат намуналари, селекция ютуқларини муҳофаза этиш билан шугулланади.

Давлат патент идораси интеллектуал мулк объекти расмий экспертизаси бўлими бошлиғи Мастура Мансурова бу ҳақда қуйидагича сўз юритади:

—Жамият шахсни камол оптиради. Зеро, жамиятни ривожлантирувчи куч шахсдир. Ҳар қандай кишида интеллект у ёки бу даражада ривожланган бўлади.

Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди. Ҳар қандай кишида интеллект у ёки бу даражада ривожланган бўлади. Мамлакатимиз ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди. Булар, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди. Булар, Бутунжаҳон интеллектуал мулк ташкилотига аъзо бўлди.

Бу ҳужжатларнинг аҳамияти шундаки, юртимизда ўз ихтиросини чет элга олиб чиқишга арзиғлик истеъдодлар қанчалик кўпайса, давлат бойлиги ва қудрати шунчалик ошади. Бунинг учун республикамизда моддий, маънавий ва энг муҳими, интеллектуал имкониятлар етарли, деб ўйлайман.

Бу ташкилот миллий патент тизимини ривожлантириш учун тегишли методик ва техник ёрдамларни бериб боради. Семинарлар, ўқув тадбирлари уюштириш патент тизимини янада такомиллаштиради.

Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Нидерландия, Россия, Франция, Чехия, Хорватия, Швейцария, АҚШ, Япония, Болтиқбўйи мамлакатлари билан патент тизимини такомиллаштириш бўйича ҳамкорлик шартно-

малари тузганмиз.

Интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланиши учун патент олиниши керак. Идорамизнинг асосий вазифаси илм-фан, техника, саноат, селекция ютуқларини ҳуқуқий муҳофазалашда ягона давлат сиёсатини юритиш ҳамда буни ҳуқуқ эгалари ва талабнома берувчилар фаолиятига амалий татбиқ этишдир.

Савол тугилади. Талабномалар кимга ва нима учун бе-

рилган патент ва гувоҳномалар ҳақидаги маълумотлар "Расмий ахборотнома" маҳсус нашрида чоп этиб борилади. Хорижий давлатлар билан доимий алоқада бўлар эканмиз, жаҳондаги бошқа патент идоралари фаолиятдан ҳам хабардор бўлиб борамиз. Шу ўринда Республика патент кутубхонаси базасида жойлашган патент ахборотларининг тахлилий маркази хусусида алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак. Марказ патент учун берилган талабномаларни синчиклаб ўрганади, экспертиза қилади, қидирув ишларини олиб боради. Марказга бу борада патент кутубхонаси ходимлари яқиндан ёрдам беради.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, патент идорасига ту-

қача. Ихтирочи уни ўз номига расмийлаштиришга имкони бўлмаса, ишлаётган корхонаси номига патент олиши мумкин. Бунинг афзал жиҳатлари нимада, деган савол тугилади. Патент эгаси бу ҳолатда хусусий мулк соҳиби ҳисобланади, у ихтирога тўла эгалик қилиб, истаганича тасарруф этиш, фойдаланишга доир мутлақ ҳуқуқини тасдиқлаб олади. У ўз ихтиросини ишлаб чиқаришга йўналтириб, моддий даромад олиши мумкин. Шунинг учун патентни у ёки бу ихтирога расмийлаштиришдан аввал, бўлажак интеллектуал мулк соҳиби бозор иқтисодиётини теран ўрганиб чиқиб, харидоригир, сотиладиган маҳсулотга патент олиши лозим. Чунки у патент олиши учун ҳамда уни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалашда маълум миқдорда давлат божларини тўлайди, мабодо ўтмас матоҳга патент олиб қўйса, бозори касодга учраши мумкин. Бундай ихтиролар ихтирочининг ўзига ҳам, давлатга ҳам иқтисодий самара бермайди.

Ҳар қандай соҳада муаммолар учрагани каби, бизда ҳам тўсиқлар бор. Истиқболларимиз ҳақида сўзлаганда, Европа иқтисодий ҳамжамияти комиссияси Европа патент идораси билан ҳамкорликда Ўзбекистон миллий патент тизимини ривожлантириш учун маблағ ажратган. Шу дастур доирасида Европа патент идорасидан келган тажрибали мутахассислар билан бирга мавжуд муаммоларни бартараф қилишнинг мақбул йўллари излаб топилмоқда. Замонавий ахборот воситаларидан бири бўлган SIDROM тизимлари бизга ҳам кириб келди.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интеллектуал шахс Ўзбекистон тараққиёти кафолатидир. Ақл, билим, тафаккур "мева"си, аввало, шахснинг ўз манфаатига хизмат қилса, айни вақтда бу жараён жамият ривожини ҳам тезлаштиради.

Хулқар ТҲИМАНОВА
ёзиб олди

Fan va hayot

ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ВА ТАРАҚҚИЁТ

рилади? Дейлик, бирор ихтиро, фойдали модель, саноат намунаси, маҳсулот белгиси учун патентга талабнома сўралганида, аввало, унинг ҳеч қайси давлатда ва ҳеч қачон яратилмаганлиги ҳисобга олинади. "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада амалиётга киритилган ягона ҳужжатдир.

Патент идораси ўз фаолиятини бошлагандан бери 6327 та ихтиро, 102 та фойдали модель, 966 та саноат намунаси, 10292 та маҳсулот белгиси, 419 та ЭХМ учун дастурлар, 32 та селекция ютуқлари давлат рўйхатидан ўтказилди. Мазкур объектларни амалиётга татбиқ этиш учун тузилган 1568 та лицензия шартномаси рўйхатга олинди.

Идорамиз томонидан бе-

шаётган талабномалар ҳар қанча синчиклаб ўрганилмасин, айрим ҳолларда норози бўлувчилар ҳам учрайди. Ана шу мақсадда идорамиз қошида апелляция кенгашини ҳам ташкил қилганмиз. 1994-2000 йиллар мобайнида бу кенгашга 136 та ариза тушди. Бунинг 70 фоизи маҳсулот белгиси, 28 фоизи ихтиролик, 2 фоизи саноат намуналарига тўғри келади. Апелляция кенгаши аризаларни синчиклаб ўрганиб, тегишли хулоса чиқаради.

Биласизки, собиқ тузум даврида ихтиро татбиқ қилиниши ёки қилинмаслигидан қатъий назар, муаллифлик гувоҳномаси бериларди ва у давлат мулкига айланиб қолар, яъни уни ишлаб чиқаришдан тушган фойда давлат газнасига ўтарди. Бунда ихтирочи моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилмасди. Ҳозир эса аҳвол бош-

МАКТАБДА БАЙРАМ КЕЧАСИ

Тошкент шаҳар Шайхонтохур туманидаги 38-мактабда "Хуш келибсан, янги аср!" шиори остида байрам кечаси бўлиб ўтди. Бу байрамни ёш ҳамда иқтидорли ўқитувчи, 4-"В" синф раҳбари Шоҳида Холмухаммедова уюштирди. Байрам асосан мустақиллигимизни улугловчи шеърлар, ўқувчи-ёшлар томонидан саҳналаштирилган театр кўринишлари билан бошланди. Унда кўпгина иштирокчилар қатори 4-"В" синф ўқувчилари ҳам ўзларининг билимлари, одоб-ахлоқлари, зукколиклари, айниқса, аҳилликлари билан тадбирга ташриф буюрган ота-оналарни бениҳоя хушнуд этишди. Бу каби байрамларнинг қизиқарли, кўтаринки руҳда ўтишида мактаб директори Муҳайё Обидованинг ҳиссаси каттадир.

— Мактабимизнинг ютуғи шундаки, биз ҳозирда маҳалла кўмитаси раиси ҳамда участка нозири билан биргаликда иш олиб борамиз. Ҳар бир ўқувчининг оилавий шароити, юриш-туришидан ҳамиша хабардормиз. Баъзи мактабларда ота-оналардан пул йиғиб мактабни дабдабали таъмирлаш ҳозирда урф бўлган. Лекин биз улардан ёрдам эмас, балки ўқувчилардан билим, интизом ва меҳнатни талаб қиламиз, — дейди мактаб директори.

Байрам кечаси ниҳоятда кўтаринки руҳда ўтди. Буни, айниқса, ташриф буюрган кўпгина иштирокчилар қатори ота-оналарнинг чехрасидан билса бўлади.

Р.МАҲМУДОВА



ПАРЛАМЕНТ ВА ЁШЛАР

Ўзбекистон Халқ демократик партияси марказий кенгашида "Ўзбекистон Республикаси Парламентининг бугунги куни ва келажаги" мавзусида илмий-амалий анжуман ўтказилди.

Тадбирда Олий Мажлис депутатлари, "Истиқбол ёшлар" клуби аъзолари қатнашди.

—Ўзбекистон Халқ демократик партияси ҳузурида "Истиқбол ёшлар" клуби тузилди, — деди Ўзбекистон Халқ Демократик партияси марказий кенгаши матбуот котиби, Ахборот ва ижтимоий имиж бўйича гуруҳ раҳбари Ёқутхон Исоқова. Клуб яқинда ташкил этилганлигига қарамай, етакчи ёшлар, ёш ижодкорлар, иқтисодчилар ва психологлар секциялари ташкил топди. Кейинчалик бу секцияларни кенгайтириш ниятимиз бор. Ёшлар орасида бундай клубларга эҳтиёж катта. Ўйлайманки, ушбу секциялар фақат сиёсий билимни эмас, ҳуқуқий маданиятни ўстиришга, уларнинг баркамол инсон бўлишига ёрдам беради. Шундай келишдики, — деди Ё.Исоқова сўзида давом этиб, —

бу машғулотларга давлат тизими, бошқарувида, идораларида иштирок этаётган Ўзбекистон халқ демократик партияси аъзоларини таклиф қила туриб, уларнинг суҳбатлари орқали ёшларга давлат бошқаруви ўтаётганлиги тўғрисида гапириб берамиз. Парламентга бағишланган мулоқотда ҳам саволлар кўп бўлди, булар, хусусан, ёшларга бағишланди. Шунингдек, ёш журналистлар орасида сиёсий мавзуларга қўл урадиган журналистлар билан ишлаш келгуси режаларимизга киради. Туманларда ўзимизнинг тизимларимиз бор. Туманларда тузилган клубларимизнинг лидерлари бор, клубларнинг раисларини ҳам жалб этиб, уларга методик томонидан мадад бўлиб, ёшлар билан ишлаш йўллари ўргатиш ҳам бизнинг мақсадимизга киради.

"Туркистон-пресс"

Дунё адабиёти тарихида кўп буюк шахсларнинг исми-шарифлари қайд этилганки, уларнинг барчасининг ижодини ўрганиб чиқишга бир одам умри озлик қилади. Фақат шу соҳа мутахассисларига бу маънилар хазинасидан қисман воқиф бўлишлари мумкин, холос. Аммо шундай сиймолар борки, улар миллат фахру ифтихорига айлангани боис, шу миллатга мансуб ҳар бир фуқаро ўша сўз санъаткорлари ижодиётдан муайян даражада хабардор бўлмоғи фарзидир.

Кўпгина ривожланган давлатларда икки-учта хорижий тили билмоқ маданиятлик даражасини белгилайди. Шарқ халқлари одатига кўра эса, ўз миллатига мансуб буюк шоирларнинг ҳаёт йўлини, санъаткорлик мақомини пухта ўрганиш маданиятлик мавқеини ойдинлаштириши ҳеч кимга сир эмас. Ана шунинг учун ҳам аждодларимиз фақат қорин гами билан яшамасдан, буюк сўз усталари битган асарларни кўз қорачигидек асраб-авайлаганлар, умр сардафтарини навоий-хонлик, машрабхонлик, бедилхонлик кечалари ила бе-заганлар. Инчунун, Ҳазрат Навоий моддий бойликка нисбатан маънавий мулк минг чандон устун эканлигини мухтасаргина шаклда ифода этган:

**Олтин-кумуш этма касб
давлат кунидин,
Ким тортар адаб улусни
меҳнат тунидин,
Гар йўқтур адаб, не суд
олтун унидин,
Элнинг адаби хушроқ
эзур олтунидин.**

Бу шеърни тушунмоқ учун, аввало, кўлланилган сўзларга диққат қилмоқ жоиз. Амир Алишербек бобомиз яшаган даврларда олтин ва кумуш каби қимматбаҳо металллар ҳам пул ўрнида ишлатилган. Бугунги кунда эса қоғоз пуллар бирор товар сотиб олиш воситаси сифатида амалда кўлланилади. Маврида келганда "пул" атамасига эътиборни қаратайлик. "Пул" сўзининг луғавий маъноси ҳазрат Навоийнинг "Ҳазойи-нул маоний" китобидаги учинчи мажмуа "Бадойиул-васат"да "кўприк" маъносида изоҳланган. "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да бу ҳақда куйидагиларни ўқиймиз: "Пул (ф-т. грек.) 1. Савдо ёки тўлов муомалаларида нарх, баҳо, қиймат ўлчови бўлган металл ёки қоғоз белги". Кўришиб турибдики, "пул" форсча-тожикча ҳамда грекча бир сўз экан (ф-т, грек. қисқартмаси шуни ифодалайди).

Пул атамаси туркий тилга сингишиб кетган. Масалан, "тахтапул", "пояпул" атамаларида айнан кўприк сўзи яширинган. Хоразм шеvasида кўприкни "пояпул" дейдилар.

Энди маликул каломнинг юқоридаги тўртлигидаги "давлат кун" атамасига эътибор қаратайлик. Изоҳли луғатда келтирилишича, "давлат" арабча сўз бўлиб "бойлик, мол-дунё" тушунчаларини ифодалайди. Демак, Ҳазратнинг биринчи мисрасида "Бойлик тўплаш мақсадида пул йиғишни ўзингга касб қилиб олма" деган маъно ифодаланган.

Иккинчи мисрадаги "адаб" сўзини тушуниб олайлик. Изоҳли луғатда билдирилишича, "адаб" арабча сўз бўлиб, "ахлоқ, тарбия ва унинг нормалари тушунчасини ифодалайди. "Улус" — "халқ,

халойик" демак. "Меҳнат" арабча сўз бўлиб, ақл ва куч билан амалга оширилаётган ишни билдиради. Аммо, бу мисрада мазкур сўз кўчма маънода кўлланилмоқда. Халқ орасида "меҳнат" қийинчилик, азоб-уқубат маъносида ҳам ишлатилади. Масалан, Хоразм шеvasида хасталикни "мийнат" дейдилар.

Худди шу йўсинда назм мулкнинг султони қийинчиликни, азоб-уқубатни "меҳнат тун" шаклида ифодалайди. "Халқни фақат ахлоқ, тарбия азоб-уқубат бағридан тортиб олади, қутқаради".

Учинчи мисрада эса ахлоқ, тарбия бўлмаса "не суд олтун унидин" эканлиги эслатилади. Бу ерда кўпчилик ўқувчилар унчалик тушунмайдиган "суд" атамаси бор. "Бадойиул-васат" изоҳида "суд"нинг луғавий маъноси "фойда, баҳра, наф" деб изоҳланган. Аввалги даврларда бировларга қарзга пул бериб, эвазига фоиз баробарида фойда оладиган бойларни "судхўр" дейишган. Изоҳли луғатда билдирилишича, "суд" сўзи форс-тожик тилига мансуб. Бизнингча, рус тилига ҳам шу сўз форсча-тожикчадан ўтган бўлса ке-

ради бунини. Бироқ Ҳазрат бир вақтлар моддий қийинчиликда яшаган пайтларида ҳам мағрурлик хусусиятини йўқотмаган экан. Фақат ул зот устои Жомирий ва яқин дўсти Хусайн Бойқаро қошида ўзини ниҳоятда хокисор тутган. Бу дўстлик, шогирдлик мақоми ила изоҳланса керак.

"Бобурнома"да ёзилишича, Навоий баъзи пайтларда ҳатто подшоҳга ҳам пул пешкаш қилган. Чунки Алишербек бобомизнинг ер-суви беҳисоб бўлиб, ҳеч вақт пулга эътиёб сезмаган. Ўз маблағи эътиёб масжидлар қурдирган, боғу роғлар яратган. Шогирдларини таъминлаб турган. Ўша давр тарихчиларининг ёзишига қараганда, ҳеч ким Навоийдек кўп хайр-эҳсон қилмаган экан.

Мактаб ўқувчилари Навоий ва Хусайн Бойқаро орасида қиз масаласида низо чиққан деб ишондилар. Бу можаро тарихий манбаларда кўрсатилмаган. Ҳатто, бу борада Навоийдан, Хусайн Бойқародан кейинги вақтларда ҳам яшаган Бобур лом-мим демайди. Маълумки, Бобур ҳамма нарсасига қизиқувчан эди. Бойқаро хонадонидеги барча сир-ас-

киб кетган экан. Шоир тақдирга тан бериб бутун умрини адабиётга, илмга бахшида этади. Охир оқибатда дунё шоирларининг энг кучлиси, шеърят мулкнинг султони сифатида етти иқлимга доврў таратади.

Ҳаҳон адабиёти тарихида Навоийдек "кўб ва хўб" ёзган шоир кам бўлса керак. Улуғ бобомиз шеър ёзишда фақатгина ўзбек тили имкониятлари билан чегараланиб қолмаган. Ҳазрат бошқа тиллардан ҳам унумли фойдаланган. Ўткир Ҳошимов бу борада куйидагиларни қайд этади: "Олимлар ҳисоблаб чиқишган. Пушкин ўз асарларида 21 минг 197 та бетакрор сўз ишлатган, Шекспир салкам 20 мингта, Сервантес 18 мингга яқин. Алишер Навоий эса 1 миллион 378 минг 660 та бетакрор сўз ишлатган. Боиси, буюк бобомиз фақат туркий эмас, форсий, арабий, урду, хитой, мўғул ва бошқа тиллардаги сўзлардан ҳам маҳорат билан фойдаланган" (қаранг: "Дафтар ҳошиясидаги битиклар", 102-103-бетлар). Далиллардан кўришиб турибдики, Навоийнинг сўз захи-

даркор. Ўқитувчи шоир шахсиятини тушунтирмоқ учун бадий асарларга эмас, балки замондошлари ёзиб қолдирган тарихий асарларга мурожаат қилгани дуруст. Иккинчидан эса, матн устида фалолроқ ишламоқ жоиз. Сабоб жараёнида даставвал осон матнлар танлаб олинми, луғатлар воситасида таҳлил этилади. Учинчидан, ўқувчи тасаввуф таълимининг "алифбоси" муайян даражада ўргатилмоғи керак.

Баъзи адабиётшунослар тасаввуфни ниҳоятда мураккаб фан деб ҳисоблайдилар. Бу билан тасаввуфнинг мураккаб қонун-қоидалари назарда тутилади. Бундай қарашларда жон бор, албатта. Бироқ, Навоийнинг дунёқарашини осонроқ алфозда тушунтирмоқ ҳам мумкин. Буюк шоирнинг мураккаб асарларини тадқиқ этиш шу соҳа мутахассисларининг иши. Табиатан бу жаҳага кенг китобхонлар оммасининг қурби етмайди. Ҳазратнинг ўзи ҳам одамларни икки тоифага ажратишга майл билдиради. Биринчиси: омма. Иккинчиси эса "хос", яъни Тангри тарафидан танлаб олинган ақлзаковат даражаси анча юксак кишилардир. Алҳол, оммага ҳам бобокалонимиз ижодий меросини англамоқ мумкин. Зотан, Навоийда ҳамма нарса мужассам. Бу маънилар хазинасидан ҳар ким идрок этиш даражасига лойиқ улуш олаверади.

Тасаввуф нима, деган саволга қисқа қилиб "ғўзалликка муҳаббат" деб жавоб бермоқ мумкин. Ғўзалликнинг сабабкори эса Ҳақ, яъни Тангридир. Тангри ғўзалликни хуш кўради, чунки Тангри ғўзалдир, дейилади ҳадиси шарифда. Навоий ғўзалликни севиб яшади, ғўзаллик ул зот юрагини ҳаракатга келтиргани сир эмас.

Манбаларда билдирилишича, Ҳазрат кўп сонли товус боққан. Ул зот товуслар, гуллар, зилол сувлар, одамларнинг шаффоф кўнгли воситасида ғўзалликни теран идрок этган ва юраги лаззатга, бемисл завқу шуқухга гарқ бўлган.

Ҳазрат дейдики, агар "нун" бўлмаганида мен "вой" бўлардим. Яъники умрим дод-фарёд чекиш билан ўтган бўлур эди. «Навоий» сўзининг биринчи ҳарфи араб имлосида "нун", яъни "на". Агар шу ҳарф олиб ташланса "вой" қолади. Яъни "нун" пастга айлангилса қош ва кўз шаклини эслатади. Бу сўфийликда Ҳақнинг тажаллийси сифатида қабул этилган. Зотан, ғўзал инсонларнинг қошу кўзига қанчадан-қанча шоҳона байтлар бағишланган.

Алишер Навоий дунёни тушуниб ўтди. Шу боис, алғовдалғов замонларда ботинан хотиржам яшади. Зотан, Нозим Ҳикмат таъбири билан айтганда, "тушунмак — буюк хотиржамлик".

Бундан беш юз йил муқаддам Навоий бобомиз сариқ хасталигига учраб, 60 ёшида бу фоний дунёни тарк этганлар. Аммо даҳога ўлим йўқ. Беш юз йил кейин ҳам бу ҳақда қоғоз қоралаб ўтиришимиз бу фикрга яққол далил.

Баҳром РЎЗИМУҲАММАД

НАВОИЙНИ ТУШУНИШ ҚИЙИНМИ?

рак. Энди "ун" сўзи таҳлилига эътиборни қаратсак. "Ун" — "овоз" демакдир. "Унли", "ундош" атамаларининг ўзаги ҳам "ун" сўзидир. Яна "ун" сўзининг асл маъноси изоҳли луғатда келтирилишича, "Донни тегирмонда тортиш йўли билан олинган кукунсимон озуқа"дир. Эҳтимол "ун" сўзи кўчма маънода ана шу ҳолатга ишора қилинаётгандир. Негаки, товус ичкаридан ташқарига чиққунча бир неча тўсиқларга учраб, майдаланиб кетади.

Демак, учинчи мисра маъноси англашилади: "Халқнинг одоб-ахлоқи бўлмаса, чўнтакдаги пул жарангидан нима фойда".

Биринчи мисрадаги "олтин" сўзи учинчи мисрада "олтун" шаклида ифодаланмоқдаки, бу қофия учундир: "тунидин"га "олтунидин" қофия қилинмоқда. Умуман, Навоий шу мақсадда кўп сўзларни ўзи хоҳлаган йўсинда ишлатади. "Балки"ни "бал", "агар"ни "ар" ва ҳоказо.

Тўртинчи мисра эса барчага тушунарли бўлса керак: "Элнинг ахлоқи, тарбияси унинг бойлигидан, пулидан яхшироқдир". Бу маънавиятнинг устувор эканлигига ишора. Негаки, халқ бой-бадавлат бўлиб маънавият бўлмаса инқирозга учрайверади. Маънавий қашшоқлик халққа офат келтиради. Бу Ҳазратнинг асосий дастуридир.

Навоий нафақат шоир, таржимон, тилшунос олим, балки давлат арбоби сифатида ҳам тарихда катта из қолдирган. Ана шунинг учун ҳам унинг кўп рубоийлари, ғазаллари, достонлари халқни қай йўсинда бахтли-содатли қилмоқ мумкин, саволига жавоб тариқасида ёзилгандир.

Бобурнинг ёзишига кўра, Навоий табиатан ўта мағрур киши бўлган. Баъзилар Навоий бойбадавлат шахс эканлигига йўйи-

рорни ипидан-игнасиғача биларди. Бас, шундай экан, у мазкур масалага нега оидинлик киритмаган? Бизнинг тахминимизча, Навоий севган қиз паст табақага мансуб бўлган бўлса керак. Аслзода тарихчилар шунинг учун ҳам Навоийга эҳтироми баланглигидан бу нарсани сир сақлаганлари эҳтимолдан холи эмас.

Навоий йигитлик чоғларида бир қизга кўнгил кўяди. Аммо нима учундир севгилсига уйланиш ул зотга (аксарият даҳолар сингари) насиб этмайди. Шоир бу ҳақда ёзадики:

**Айламанг бекаслимни
таън, бир кун бор эди
Менда ҳам бир нозанин
чобуксувор, эй дўстлар.**

"Бекас" сўзининг луғавий маъноси "кишисиз" демак. "Кас" — "киши" маъносини билдиради. Шунинг учун ҳам ёмон одамни "нокас", яъни "инсон эмас" деб қийидилар. Шоир айтаяптики: "менинг кишисизлигимни, ёлғизлигимни таъна қилманглар, мен ҳам бир "нозанин чобуксувор"ни севганман". "Чобуксувор" — от қадам ташлашдек чиройли қилиб юрадиган, ноз қилувчи маъносини англатади. Ўша вақтларда отларга чиройли йўсинда, куйга монанд оёқ ташлашни ўргатганлар. Шу боис, ноз-ишва қилиб юрадиган аёлларни "чобуксувор" деганлар. Яна йигитнинг хушрўй аёли, ақлли оти бўлмоғи даркор, қабилидаги қарашлар ҳам мавжуд бўлган.

Ўша замонларда таъно яшагани учун Ҳазратга таъна қилувчилар ҳам бўлгани эҳтимолдан холи эмас. Шоир бу тоифага қарата дейдики:

**Ёрсизлигдин Навоийни
яна кўрқутмангиз,
Ким бу саъб ишга юрак
босиқ кўнгил тўхтоди ҳам.**
"Саъб иш" — "қийин иш". Демак, Навоий ёлғизликка кўни-

раси ниҳоятда улкан экан. Ҳазрат ишлатган сўз ўйинлари кўлами ҳам беқиёсдир. Негаки, Навоий шеърни шунчаки бирор нарсани баён қилиш эмас, балки мўъжиза кўрсатиш дея ҳисоблайди. Ул зот ёзадики:

**Бўлмаса эъжоз мақомида
назм,**

**Бўлмас эди тенгри каломидан
назм.**

Парвардигорни араб тилида "аллоҳ", форс тилида "Худой", туркийча "Тангри" деганлар. Навоий уни "тенгри" шаклида ишлатади. Ул зот дейдики, назм — мўъжиза мақомида, шунинг учун ҳам Тангридан Расулulloҳга Қуръон шеърини усулда нозил бўлган. Алҳол, бундан шоир мўъжиза кўрсатувчидир, қабилидаги маъно келиб чиқади.

Мўъжизани кўрмоқ учун эса ўткир кўз даркор. Хис этмоққа очик кўнгил лозим. Ана шундагина шеър жиллолари юракнинг тўб-тўбига этиб боради.

Инсон психологияси қизиқ. Бирор гап қайта ва қайта такрорланса қонга сингиб кетади. Айттайлик, Ҳазрат шеърятини ҳақидаги "фалсафа". Навоий мураккаб ёзган, унинг ёзганларини тушуниш қийин, йўсинидаги гаплар, айниқса, ёшлар онгига сингиб кетганлиги бизни таажублантиради. Бунинг боиси, назм мулкнинг султони ижодиётининг босқичма-босқич ўргатилмагани билан изоҳланса керак. Аксарият ўқитувчилар осон деб фаҳмлаб, буюк шоирнинг ўсмирлик пайтлари ёзган ғазалларини танлашади. Аммо ул зот ўсмирлик пайтларида ҳам сўфиёна, бир қадар мураккаб ғазаллар битганлар. Бу ўқитувчининг ҳам, ўқувчининг ҳам тасаввурини чалғитади.

Хўш, Навоий ижодиёти қай асосда ўргатилмоғи лозим? Биринчидан, ўқувчилар Навоийнинг кимлигини билишлари



БОЛАГА ЭРК БЕРИШ...

Боғча ёшидаги бола психологиясини тўғри тарбиялашни боланинг улғайиш жараёнидаги фаолиятига бевосита боғлиқ ҳолда олиб бориш зарур. Бу борада пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги 400-“Гунафша” болалар боғчасида яхши бир иш йўлга қўйилди. Психолог Ольга Раҳматова ҳар бир гуруҳда (боғчада 12 та — 5 та ўзбек, 7

та рус гуруҳлари бўлиб, уларда 256 нафар бола тарбияланади) кайфият бурчани ташкил қилди. Унда ҳар бир бола ўзи учун алоҳида кўйилган доскага эрталаб уйдан келгач, қизил, сариқ ёки қора белгини қўяди. Бунда қизил — аъло кайфиятни, сариқ — яхши кайфиятни, қора — кайфият йўқ эканлигини ифодалайди. Машғулот жараёнида психолог болалар билан уларнинг кайфиятига қараб шуғулланади. Шунингдек, боғчанинг ўйинчоқлар хонасида ҳам болалар ўз хоҳишлари бўйича ўйнайдилар. Бу ҳолат четдан кузатилади ва кимнинг қайси ўйинчоққа эътиёжи бўлса, олиб берилади.

— Болаларнинг эркин вазиятда ўйнашларини тарбиячимиз Нина Становова йўлга қўйди, — дейди боғча мудираси Галина Рустамова. — Синовлар шунинг кўрсатдики, бунда бола ҳеч ҳам инжиқ бўлмайди ва аксинча, ғайратли бўлиб ўсади. Болаларнинг мактаб ёшига пухта тайёрлаш учун эса ўзбек гуруҳлари учун рус тили, рус гуруҳлари учун ўзбек тили, инглиз тили, моҳир қўллар тўғрақлари, кичик кўғирчоқ театримиз ишлаб турибди. 16 нафар тарбиячи ва 8 нафар мутахассис-педагогларимиз болаларнинг ҳам маънан, ҳам руҳан соғлом ўсишлари йўлида хизмат қилиб келишмоқда. Биз тарбиячилар билан келишиб, боғчада “Якшанбалик мактаби” ҳам ташкил қилганмиз.

Тарбиячиларнинг айтишича, ушбу боғчада ҳамма ишлар тартиб-интизом билан йўлга қўйилганлигидан ва барча шарт-шароитлар бўлганлиги туфайли, атрофдаги боғчалардан ўз болаларини бу ерга олиб келиш ниятидаги ота-оналар кўпчилик экан. Бу гапларни эшитиб, рақобат бор жойда сифат юқори бўлиши муқаррарлигини ҳис қилдик.

Биз боғчада бўлганимизда, боғча биносининг асосий қисми таъмирдан чиқари-

либ, қолганлари ҳам тез кунларда тугатилиш арафасида эканлигининг ҳам гувоҳи бўлдик. Бу жараёнга “Тошметроқурилиш” ишчилари (бошлиғи Сайфулла Саъдуллаев) бош-қош эканлар.

Шерали НИШОНОВ
Суратларда: боғча ҳаётидан лавҳалар акс этган.

Бурҳон РИЗОҚУЛОВ
олган суратлар.



Ta'lim muassasalarida

Ўлкамизда қиш фасли ҳукм сурмоқда. Хўш, бу фасл ўқувчилар учун қийинчиликлар туғдирмаяптими? Мактабларни иситиш қай аҳволда? Бу саволларимизга Жиззах вилоятининг Зарбдор тумани халқ таълими бўлими мудирини Йўлдош Муҳаммадиевдан куйидагича жавоб олдик:

—Туманимизда айна пайтда 22 та ўрта умумтаълим мактаби, битта иктидорли болалар лицейи, 13 та мактабгача таълим муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, мактабдан ташқари болалар ва ўсмирлар ижодиёт маркази ҳамда спорт мактабимиз ҳам бор. Айна қиш кунларида барча муассасаларимизда хоналарни иситиш кўнгилдагидек ҳолатда. Бугунги кунда,

барча ёрдам ва кўмакларини аямаяптилар. Мана шундай маърифатпарвар ҳомийларимиздан, айниқса, Йўлдош Курбонов номидаги хўжалик (раҳбари Қаршибой Баратов), “Истикбол” хўжалиги (раҳбари Жўрақул Турсунов), “Нурафшон” хўжалиги (раҳбари Худоёр Оқмуродов), “Шарқ юлдузи” хўжалиги (раҳбари Сайдулла Қаршибоев), “Бахт” хўжалиги (раҳбари Шўхрат Эшбоев) маъмуриятлари томонидан мактабларимизга беминнат катта ёрдам кўрсатилмоқда. Улар ёш авлод таълим тарбияси учун нафақат таълим мутасаддилари, балки барча масъул эканлигини ҳис қилган ҳолда иш кўрмоқдалар.

Албатта, дарсда қунишиб ўтирган

Қиш қийинчиликлари туғдирмаяпти

биргина мактабдан ташқари қолган барча мактабларимизда алоҳида иссиқлик тизими ўрнатишга эришдик. Таъкидлаш жоизки, қишлоқ туманларида бундай натижага эришиш жуда яхши кўрсаткич. Хали иссиқлик тизими ўрнатилмаган 21-мактабимизни эса, режа бўйича тўлиқ кўмир билан таъминлаганмиз.

Халқимизда “Қиш ғамини ёзда е” деган мақол бор. Шунга амал қилган ҳолда, мактабларимиз ҳали ўқув йили бошланмай турибоқ қишқи мавсумга шай қилиб қўйилган эди. Ўқув муассасаларини таъмирлаш ҳамда кузги-қишқи мавсумга тайёрлаш борасида, аввало туман ҳокимлигининг эътибори ва маърифатпарвар ҳомийлар кўмаги бекиёс бўлди. Туман ҳокими қарорига кўра ҳар бир таълим-тарбия даргоҳига тегишли оталиқ ва ҳомий ташкилотлар бириктирилган бўлиб, улар болаларнинг “иссиқ-совуғи”дан мунтазам бохабар бўлиб туришибди ҳамда қўлларидан келган

ўқувчининг онгига дурустроқ сабоқ ўрнашиши амри маҳол. Шунингдек, совуқ синфхонада ўқитувчи ҳам яйраб дарс ўтолмайди. Бу эса, ўз навбатида, дарс сифатининг ва самарадорликнинг пасайишига олиб келади. Ўқитувчи ва ўқувчи учун барча зарур шароитни яратиб бериш ҳам муҳим вазифадир. Аслида таълим соҳаси шундайки, бунда муҳим бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Ҳар бир икир-чикир, хаёлимизда арзизмагандай бўлиб кўринган ишларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Жумладан, қиш фасли давомида синф хоналарини иссиқ сақлаш, биз муаллимларга ўз жигаргўшасини ишониб юборган ота-оналар ишончини оқлаш, болаларнинг дарсларга сарфланадиган умри мактабнинг иссиқ кучоғида, зарур шароитлар яратилган тарзда кечишини таъминлаш ҳам бирламчи ишдир. Туманимизда таълим самарадорлигига дахлдор бу вазифаларни тўғри англаган ҳолда иш юритишга ҳаракат қилинмоқда.

Икром БҮРИБОЕВ

«ЁШ ЭКОЛОГЛАР» ТАШКИЛОТИ ТУЗИЛСА...

Табиат инсонни ўз бағрида ардоқлаб, ҳар томонлама камол топишига имкон беради. Шундай экан, уни севиш ва муҳофаза қилиш ҳар бир инсоннинг муқаддас бурчидир. Табиат шундай гўзал ва мураккаб борлиқки, унинг гўзаллигини ҳис этмасдан, сирларини билмасдан туриб, унга таъсир кўрсатиш оғир оқибатларга олиб келади.

Табиат одамларга эстетик озуқа берадиган маскандир. Уни кўриқлаш аслида ўз-ўзимизни кўриқлаш демакдир. Биз баҳраманд бўлаётган сув, қуёш нури, ҳаво, шифобахш ўсимликлару ер ости бойликлари, барча ҳайвонот дунёси ва бошқа нарсалар — табиат бизга тақдим этган инъомлардир.

Шундай экан, уларни асраб-авайлаш ва муҳофаза қилиш жамиятимиз олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Республикаимиз мустақилликка эришгач, Она-табиатимизни муҳофаза қилиш борасида бир қатор муҳим қонунлар қабул қилинди. Жумладан, Республикаимизда илк маротаба қабул қилинган қонунлардан бири “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги” Қонундир. Бу Қонун 1992 йил 8 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси билан бирга қабул қилинган бўлиб, ундаги принцип ва меъёрлар асосан табиат билан жамият муносабатлари ўзаро уйғунлашган ҳолда бўлиши таъкидлаб ўтилган.

Бу борада, Конституцияимизнинг XI-XII бобларида ҳам атроф-муҳит, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа захиралар умуммиллий бойлик эканлиги ва улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги айтилган. Дар-

ҳақиқат, табиатга нисбатан инсонларнинг эҳтиёткорона муносабатда бўлишлари фақат бугунги куннинг долзарб мавзуси бўлибгина қолмай, у қадимги китобларда ҳам кўрсатиб ўтилган.

Масалан, Зардуштийларнинг “Авесто” китобида болалар ёшлигиданоқ дарахт кўчатини ўтказишлари шартлиги айтилган. Инсон бутун умри давомида сув, тупроқ, олов, умуман, дунёдаги жамики нарсаларни пок ва бус-бутун асрашга бурчли бўлиб, бу қоидаларни бузган киши жазога маҳкум бўлган.

“Қобуснома” китобида: “Сувга тупуриш ҳаром иш қилиш билан баробардир”, деган ибратли сўзлар айтилган.

Умуман айтганда, ёшларнинг олдида экологияни асраб-авайлашдек муҳим бир вазифа турибди. Буни бартараф этишни эса ўз уйимиздан, маҳалламиздан ва мактаблардан бошлашимиз керак. Мактаблар ва маҳаллаларда “Ёш экологлар” ташкилоти тузилса, улар табиатни, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга, Она-Ватанимизнинг янада гуллаб яшнашига ўз ҳиссасини қўшган бўлар эди. Бунинг учун мактабларда биология ва география ўқитувчилари, маънавий-маърифий бўлимлар билан биргаликда “Экология” ойлари ўтказиб, бунда “Энг чиройли ва тоза” синфлар, маҳаллалар, мактаблар кўрик-танловлари, расмлар кўргазмалари, экологик шанбаликлар ташкил этилса, айна муддао бўлар эди.

З. НАЗИРОВА,
Республика ёшларининг
“БИОЭКОСАН” ўқув-услубий
мажмуаси маънавий-маърифий,
оммавий-ташкилий ишлар бўлими
бошлиғи

ЯҚИНДАН ҲОМИЙЛИК

Булоқбоши туманидаги махсус мактаб-интернатга туман матлубот ҳиссадорлик жамияти (раиси Авазбек Жўраев) уч йилдан ортиқ муддатдан буён ҳомийлик қилиб келмоқда. Бу

ҳомий ташкилот яқинда мактаб-интернатга 60 та чинни идишлар жамланмалари ва тўрт дона гилам совға қилди. Шунингдек, ушбу илм масканининг ўттиз нафар ўқувчиларига

эсдалик совғалари тақдим қилинди. Бундан ташқари, мактаб-интернат таъмири учун 63 минг сўмлик қурилиш материаллари ҳам ёрдам қилилар.

Шўхратбек КЕЛДИЕВ

Ҳамма замонларда ҳам кўпчилик одамлар, асосан, оиласи тинчилиги, фаровонлиги ва соғлиғини ўйлаб, меҳнат қилиб, орзу-ҳавас кўриб ўтишган бу дунёдан ва шундан ўзларига бахтиёрлик ҳиссини туюшган. Ўзидан кўра халқини кўпроқ суйган кишиларгина давлат осойишию миллат фароғатини ўйлаш даражасига кўтарила олишган. Бундай фидойилар кўп бўлмаган. Ана шундай азиз инсонлар сирасидан эди профессор Файбуллоҳ ас-Салом.

Устознинг айтган, ёзган сўзлари, ростлик чақнаган кўзлари одамнинг Инсонга, халойиқнинг Миллатга айланишига даъват, миллатнинг давлатини, савлатини оширишга рағбатдан иборат эди. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Миллатнинг дардига дармон бўлинг!" деган даъватларига ана шундай фидойи инсонлар амал қила олади.

Миллат дардлари нима? Бу дардлар собиқ шўролар даврида унга етказилган, бугун жамиятга моддий, маънавий зарар келтираётган маънавий жароҳатларда, зарарли одаатларда. "Зарарли одаатлардан кутулиш керак", деган билан иш битмайди. Уларни битта-битта авра-астарини очиб, кўрсатиш керак. Ана шунда одамлар ўзидаги барча гўзал, анвойи фазилатларини, шу билан бирга, билиб-билмай амал қилишаётган зарарли одаатларни гўё кўзгудагидай кўради. Кишиларда ўз-ўзини покловчи орият кўзғалади.

Файбуллоҳ ас-Саломнинг "Фил" ҳикоясида бир аспирантнинг тўй қилиш ҳангомаси тасвирланади. Ўзи аспирант бўла туриб, у 500-600 киши-

лик дастурхон тузайди, тантаная дабдабага зўр беради ва унинг бу зўраки ҳаракатлари соғлом фикрга тўғри келмаслиги ҳикояда танқид қилинади. "Шунча сарф-харажатни тил ўрганишга, корхона очишга сарфланг", дейди муаллиф. Ҳикояда Файбуллоҳ ас-Саломнинг миллатга буюк муҳаббати изҳорини кўрамиз: "Дунёда бизнинг одамларчалик болажон халқни топиш қийин. Фидойи, меҳнаткаш, меҳрибон ва меҳмондўст бизнинг халқимиз", деб ёзади у. "Айни вақтда ёш авлодларга энг... бепарво халқ ҳам биз бўламиз. Бизнинг одамларга жуда раҳмим келади. О, ўзбек

ас-Саломгача очик, баралла ёзиш мушкул эди. Ўша даврда "Мабодо миллатчиликка йўйиб юборишмасмикан? Балого қолмай тагин" деган, шўролар сингирган ҳадик яшар эди қалбларда. Яна бир сабаб — шўро замонидаги китобларда миллат "олабўжи" қилиб тасвирланарди. Устоз биринчилардан бўлиб миллатни фарзанддек куюнчаллик билан суйиш мавзусига қўл урди. Бу — Юртбошимизнинг миллатни бирлаштириш, миллий тикланиш, юксалиш йўлида амалга ошираётган мардона, шижоатли саъй-ҳаракатлари, даъватларига бир олимнинг ибратли ҳозиржавоблиги бўлди.

ифтихор-ла ўзингизда "ташинг".

"Миллатинг нима?" — деб сўрасалар, "ўзбек" деб айтишдан уялманг. Ҳа. Бир умрга ўзбек бўлиб қолинг!"

Файбуллоҳ ас-Салом жазирама чўлда бир кўза муздек сувни шошмай тарқатаётган кишидек, чанқоқ талабаларга: "Марказий Осиёда кашф қилинган шахмат бўйича қайси миллат биринчи? Дунё фани, техникаси, санъат, спорт, тил билгичлик, савдо-сотик ва молиявий сиёсатда-чи? Бола тарбиясида, мусиқийликда-чи? Қайси миллат аҳил? Дину диёнатига садоқатли? Қайси мил-

машхур қилган нарсаси миллий, байналмилал бирлик эканлигига амин бўлдим.

Этнологларда "Кимки фақат битта халқни билса, у бирорта халқни билмаган бўлади", деган ҳикмат бор. Чунки дунёдаги 4500 га яқин миллат ва элат бир-бирига тенг, бир-бирдан ўрганса арзийдиган хислатларга эга. Зеро, ҳар қайси миллат — умуминсоний бойлик, қадрият. Миллатларсиз инсоният йўқ. Бу борада устоз Файбуллоҳ ас-Салом шундай ёзган эди: "Инглизлар билан финлар, фаранглар билан араблар, омонлар билан турклар, японлар билан италянлар, руслар, латишлар ва бошқа миллатлардан ўрганган нарсаларимиз жуда кўп. Шак-шубҳасиз, ўзбекнинг ҳам жаҳон халқларининг инсоний миллий ҳазинасига инъом этишга арзигулик (бағрикенглик, саховатпешалик, меҳнатсеварлик, тўғрисиқлик, ялангтўшлик) ажойиб-ғаройиб сифатлари мўл".

Ҳа, миллий давлатчилик, миллий гурур, ўзлик ҳақида фақат мустақиллик туфайлигина баралла гапириш имкониятига эгамиз. Юртбошимизнинг миллий мафкура, ғоя, тарбия тўғрисида дастурий фикрлари миллатнинг дардларига дармон бўлмоқда, пешқадам олимларимизга илҳом бериб, уларнинг кўнглида, сўзида, ишида акс-садо бермоқда. Шундай азизларимиздан бири профессор Файбуллоҳ ас-Салом мустақилликни мафкуравий мустақамлаш, миллий бирлик сабоқларини бериб кетди.

М. КУРОНОВ

МИЛЛАТНИ ЧИН СУЙИШ

ёхуд устоз Файбуллоҳ ас-Салом ибрати

бўлиш нақадар оғир. Ўзини, соғлиғини ўйламайди", дейди муаллиф. Бу қандай туйғу? Бу — бир ота ўз фарзандларини куйиниб суйгандай, халқини чин дилдан суйиш. Фитратдек, Чўлпондек, Бехбудий, Ибратдек суйиш. Ўн йил олдин бундай пок туйғуга шўролашган тузумнинг "миллатчилик" ёрлиғи ёпиштирилди. Худога шукрки, фақат мустақиллик бизга миллатни чин суйиш ва буни бемалол айтиш, ёзиш ва бу йўлда амалий ишлар қилиш эркини берди. Бу — буюк неъмат.

Миллатни суйиш — биз англаётган, тўла ҳис қилишга интилаётган туйғу. Миллатни қандай суйиш кераклигини қора ўтмишда Фитратдан Файбуллоҳ

Файбуллоҳ ас-Саломнинг куйидаги оддий, дурдона фикрлари ёдлаб олишга арзирлидир:

"Томчида қуёш акс этгани сингари алоҳида олинган ҳар бир шахсга миллат яшайди."

"Бизни туғдирган ва туққан ота-онамизни қанчалик севсак, ўзимиз мансуб бўлган миллатимизни ҳам шунчалик ардоқлашга бурчлимиз."

"Ўз миллатини, унинг шаънаватини, салоҳияти ва қариятларини оёқ ости қилган, унинг дардига малҳам бўла олмайдиган киши қандай мавжудот бўлса бордир, аммо инсон эмас. Сиз ўзбексиз ва, аввало, шу билан бахтлисиз."

"Ўзбек деган номни баланг кўтаринг. Ўзбек деган номни

лат арзимаган нарсаси учун ўз қавмини сотмайди, узоқни кўзлаб, ўзининг оиласи, миллатининг келажакига нафи тегишини пухта ўйлаб, омикорлик билан, ноқерак шовқин-суронсиз, ақлига иш буюриб ишлатади? Қайси миллат ўзини ичдан емирадиган маҳаллийчилик иллатидан холи?" каби саволлар билан мурожаат қилар ва дунёнинг пешқадам халқларидаги умуммиллий бирликни намуна қилиб мисол келтирар ҳамда "Айни шундай фазилатларни мен ўз миллатимда ҳам кўришни жуда-жуда истардим", дерди.

Мен бу фикрлар тасдиғини излаб, адабиётларни титқиладим ва ҳар бир миллатни оламга

Куни кеча Ўзбекистон миллий матбуот марказида "Шаҳидлар хотираеи" хайрия жағфармасининг матбуот конференцияси ҳамда

борнинг оила аъзолари, фарзандлари ҳам сузга чиқишиб, у киши ҳақида куплаб илиқ фикрлар билдиришди. Айниқса Д.О.

ТАРИХИМИЗГА БИР НАЗАР

XX аср бошларида яшаб ижод этган моҳир таржимон, марҳум Саттор Жабборнинг "Қутулиш йулида" номли китобининг тақдироти булиб утди. Тадбир сунггида С.Жаб-

монуллаеванинг Чўлпон шеърига ёзилган "Айрилик" қушиги иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Камолиддин КАРИМОВ

«МЕН ГЕНЕРАЛ БЎЛАМАН»

"Чўлпон" нашриёти мамлакатимиз Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг тўққиз йиллигига бағишлаб "Мен генерал бўламан" китобини чиқарди.

Ушбу нашр ҳомийси, Ўзбекистон мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти марказий кенгаши раиси полковник Абдулазиз Абдуқаҳҳоров китоб ҳақида куйидагиларни гапириб берди:

—Ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг мустақил Ватанимиз армияси ҳақида етарли маълумотга эга бўлишлари давр талабидир. Буни чуқур ҳис этган асар муаллифи Ирисму-

ҳаммад Абдукаримов китобнинг қизиқарли ва ўқишли бўлиши учун бадиий усуллардан самарали фойдаланган. Китоб полковник унвонида истеъфога чиққан Рустам отанинг зийрак невар-

равишда ҳимоя қилиши, отонаси осойишталиги, уй-жойини кўз қорачиғидек асраши ҳақидаги бурчи ёрқин сатрларда акс эттирилган. Шунингдек, армияга тааллуқли бўлган қўшин хиллари ва турлари, асқар казармалари, ундаги кулаликлар, вақтнинг тақсимланиши, ҳарбий ўқув юртлари ва Қуролли Кучлар Ҳарбий академияси ҳақида ҳам батафсил маълумот берилган.

Китобни ўқув қўлланма ҳамда ота-оналарга маълумотнома сифатида тақдим этиш мумкин.

"Туркистон-пресс"

Taqdimot

си — Жаҳонгир билан бирга, унинг акаси Қосимбек хизмат қилаётган ҳарбий қисмга, у ерда ўтказилажак ҳарбий Қасамёд қабул қилиш тантаналарида қатнашиш учун бориш воқеалари билан бошланади.

Китобда эр кишининг ўз Ватани сарҳадларини муносиб

БОЙ МАЪНАВИЙ МЕРОС

Қизик, мактабда тил-адабиёт дарсларини мароқ билан ўтардик-да, дарсликнинг муқовасидаги халқ оғзаки ижодидан келтирилган намуналарни қандайдир мажбуран, истар-истамас ўқир эдик. "Чоймомо", "Ё Хайдар" каби халқ қўшиқларининг бизга нима кераги бор, деган фикрлар ҳам хаёлимиздан ўтмай кўймасди.

Энди эса, олийгоҳ талабаси сифатида мушоҳада юритсам, халқ оғзаки ижоди адабиётни адабиёт этган, жуда юксак қийматга эга бўлган бой маънавий меросимиз экан. Дарс жадвалимизга "Оммавий ахборот воситалари ва халқ оғзаки ижоди" фани кўйилган биринчи кунданоқ бу нарсани барчамиз ҳис этдик ва қалбимизда оғзаки ижодга бўлган янгича, ўзгача бир қараш уйғонди. Ана шу қараш асосида бевосита ўқувчиликда истамаганимиз халқ оғзаки ижодининг моҳиятини англадик. Дехқончилик, хунармандчилик, ўрим қўшиқларининг яратилиш сабаблари, ёмғир қақириш, шамол тўхтатиш қўшиқларининг қандай кучга эга эканининг ўзиёқ халқимизнинг ижодкорлик маҳоратини, тоза қалблигини белгилайди. Ўз вақтида ҳозирги оммавий ахборот воситалари даражасида хизмат этган халқ оғзаки ижоди миллатимизга хос асосий характер хусусиятларимизни ҳам ифодалаб, ўзлигимизни англадиб туради. "Алпомиш", "Равшан", "Кунтуғмиш" достонларини ўқир эканмиз, ўзбек йигитларининг мард, гурурли, алпқомат эканидан, қизларимизда эса Барчиной, Зулҳумор, Холбекалардаги садоқат, вафо ва ибодат муҳаббатининг фахрлини кетдик.

Тақлиф сифатида шуни айтмоқчи эдимки, мактабларда, мумкин бўлса боғчаларда ҳам халқ оғзаки ижоди кенг ва чуқур ўргатилса. Айниқса, боғча болалари ва бошланғич синф ўқувчилари қизиқиб тинглайдиган эртақ-топишмоқ, афсоналарнинг қай тахлит юзага келиши, ҳаётга боғлиқлиги тушунтирилиб борилса, уларда халқ оғзаки ижодига бўлган муҳаббат туйғуси уйғонармиди.

Бу ўринда ота-оналарнинг ҳам масъулияти борки, фарзандларини фақат ўйинчоқ ўйнаш-у телевизор кўриш билан машғул қилмай улар учун расмли эртақ китоблар, топшимоқлар тўпламларини сотиб олишса, албатта, фойдадан холи бўлмайди.

Муножот МҲМИНОВА,
ЎЗМУ талабаси

Болалар адабиётининг фидойиси, қарийб қирқ беш йилдан ортиқ вақтдан бери мамлакатимизнинг турли нашрларида болаларбоп гоҳ қувноқ, гоҳ ўйчан шеърлари, сермазмун, қизиқарли эртақ ва достонлари, радио ва телевидение орқали янграган кўшиқлари, фикр-мулоҳазаларга бой суҳбатлари билан қатнашиб, ўқувчиларни хурсанд қилиб келаётган шоир, таржимон Қамбар Ота (Ўтаев), бугунги меҳмонимиз.

Қамбар ота болалар ва катталарга аталган "Тиним билмас шамолвой", "Чаваңдоз орзуси", "Ширин сўз", "Ватан тупроғи", "Дийдор", "Қуёшли дунё", "Юзлар", "Бизнинг космос", "Филдирак", "Сиздай яшагим келар", "Болаларнинг кўзлари" каби 20 га яқин шеърый китоблар, бутун Ўзбекистон болалари севиб қуйлаётган бир неча ўнлаб сара кўшиқлар муаллифи сифатида танилган.

—Қамбар ака, мана, Янги асрнинг дастлабки ойи ўтмоқда. Шу лаҳзаларда ижодкор сифатида хаёлингиздан нималар кечяпти?

—Шуни айтиш керакки, Янги асрнинг кириб келиши ҳақидаги гаплар, анча аввал, ҳатто бундан 1-2 йил илгари бошланган эди. Янги минг йиллик яқинлашган сайин у ҳар бир қалбда ўзига хос куртак ота бошлагани аниқ. Мен ҳам бу санани муносиб кутиб олиш учун Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, халқимиз дилидаги эзгу ниятлар, болалар камолоти ҳақида туркум шеърлар, гўзалликка ундаб, яшашга завқ-шавқ уйғотувчи кўшиқлар ёзишга ҳаракат қилдим, уларнинг айримларидан ўқувчиларни баҳраманд этдим. Улуғ хосиятларга тўла XXI—Янги асрдан умидим катта. Бу йилнинг "Оналар ва болалар йили" деб аталиши ҳам беҳиз эмас. Оналардаги меҳри кўшлик, болалардаги бегуборлик, самимият оламни янада чароғон қилади. Оналари ва болалари бахтли юртва ҳаваас шанинг, унинг шанига сон-саноксиз кўшиқлар куйласа арзийди.

Янги аср мен учун қувончли келди, қалбимга чексиз ихомлар солди, дейиш мумкин. Бу кунларнинг ҳар бир дақиқасидан тўлқинлиб "Бахтга йўлдош болалар", "Онажон", "Бахт-омади чопоғон", "Балли-балли, болажон", "Бола Ватандай азиз", "Қувноқ шамол, шўх шамол" каби туркум шеърларимни матбуотда эълон қилдим. Бу — йил давомида қилиниши мумкин бўлган ишларимнинг дебочасидир.

—Сизни ўқувчилар болалар шеърятга бўйича фаол ижод қилувчи ижодкор сифатида яхши билишади. Сизнингча, болалар шеърятга учун самимийликнинг ўзи етарлими ёки бошқа унсурлар ҳам зарур, деб ҳисоблайсизми?

—Гапингизнинг замирида катта маъно бор. Менинг биринчи шеърим — "Она-Ватан" б-синф ўқувчилигимда матбуотда босилиб чиққандаёқ болаларча самимий ёзилган, деган гапни эшитганман. Биринчи шеъримнинг мазмуни шундай эди: "Ватан бағридаги одамлардан меҳрини аямайди. У энг меҳробон, энг қадрдон. Бобо-момоларим, ота-онамни ҳам шу Ватан тарбиялаб ўстирган. Мен ҳам шу муқаддас Ватаннинг заррасиман, Ватанимни севиш, унинг хизматида бўлиш менинг бурчим...".

Йиллар оша ўқиб-ўрганиш натижасида фақат самимийликнинг ўзи шеър бўлмаслигини тушуниб етдим.

Фаоллик масаласига келсак, қўлимга қалам тутиб ниманидир ёзишга интилиб, тунлари уйкум бўлинган кундан бошлаб то ҳозирги кунгача

изланаман, қайта-қайта ёзаман. Айниқса, ўқувчилик йилларида турли тахририятларга шеърлар ёзиб жўнатуравериб, безор қилиб юборган бўлсам керак. Ахён-ахёнда бир-ярим жажжигина шеър чиқиб қолганда қувонганимни айтмайсизми! Талабалик давримда шеърларнинг ёнига шеърый таржималар ҳам қўшилди. Ниҳоят болаларга бағишланган пиёзнинг пўстидай юқагина, ичидаги шеърлари ундан-да жажжигина биринчи китобим чиқди.

Шу ўринда айтиб ўтиш лозимки, авваллари кўпинча болалар адабиёти ижодкорларига нимани ёзиш ва қандай ёзишни ўрга-

Меҳмонхона



—Шу жиҳатдан сизнинг "Ер ташвиши", "Қумлар", "Аравага қўшилган от", "Алмаштириш", "Халқим-бахтим", "Эрк мадҳи", "Алпомиш ҳақида кўшиқ", "Маҳси", "Дўст уйига етганда", "Қўнғизлар жанги" каби кўплаб шеърларингизда ҳам ўзига хос насиҳат—оталар сўзи бордай, назаримда.

—Чинакам юрак кўрида пишиб чиқиб, кўлаб юракларда малҳам бўладиган бадиийлашган насиҳат билан жўн,эзма насиҳат ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Ҳаёт тажрибасини ўтаган боболар, момолар насиҳати билан аллақан-

ришади. Демак, болаларда содда-силлиқ шеърлардан кўра фикр аналтувчи асарларга талаб ошган кўринади.

—Қамбар ака, Сиз ҳам бошқа тенгдош болалар шоирлари қатори кўпроқ мажозий шеърлар ёзгансиз. Кейинроқ негадир бевосита болаларнинг ҳаёти билан боғлиқ асарлар ёзишга эътиборни қаратгансиз. Бунинг сабаби нимада?

—Талабалик йилларимда ўзбек шеърятда мажозга муурожаат қилиш анча кучайган эди. Эҳтимол шу сабаб бўлиб мажозий асарлар ёзган бўлишим мумкин. Жаҳон болалар шеърятидан таржималар қилиш, мактаб ўқувчилари билан учрашувларда иштирок этиш уларнинг талабларини тушунишимга сабаб бўлди ва болаларга уларнинг ўзлари ҳақида кўпроқ ёзиш керак экан, деган хулосага келдим. Бундай шеърларнинг ёш қалбларга таъсири кўпроқ бўларкан.

—Табиаат ҳақидаги асарларингиз ижодингизнинг салмоқли қисмини ташкил этади. Болалар адабиёти хрестоматиясида сизни табиаат билан болани тенг сезувчи куйчи, деб эътироф этишган. Табиат ҳақида ёзиш мароқли бўлса керак-а?

тарбия юққан ҳар бир одам қалбида бир умр унитилмасдир. Боланинг томирларида ота-онанинг қони оқиб турганидек, ўқитувчининг берган фидокорона илми, меҳр тўла таълим-тарбия нури, унинг ҳаёт йўлини абадул-абад чароғон этиб туради.

Ўқитувчиларим ҳақида гапирадиган бўлсам, уларнинг яхшиликларини санаб саноғига етолмайман. Илк ҳарф ўргатган биринчи муаллимимдан тортиб менга таълим берган барча ўқитувчиларимни назарда тутиб, уларнинг ҳурматларини бажо келтириб, туркум шеърлар бағишлаганман. "Ўқитувчи" наشريёти томонидан "Мактаб кутубхонаси" туркумида чиқарилган "Сиздай яшагим келар" китобимнинг номи ҳам ўқитувчига ҳавасдан пайдо бўлган. Бу китобга киритилган "Ўқитувчим", "Устозингга раҳмат дер", "Ўзингиздан ўрганар", "Унутмайман", "Қуёшхона" каби бир қанча шеърларим устозларимга бўлган меҳр-муҳаббатим рамзидир.

—Мамлакатимиз болалари сизни кўплаб жозибали кўшиқлар ижодкори сифатида ҳам яхши билишади. Сиз атайлаб кўшиқ ёзасизми, ёки...

—Йўқ. Мен атайлаб кўшиқ ёзган эмасман. 70-йиллардан бошлаб педагоглар таълим-тарбия, табиаат гўзалликлари, ахлоқ-одоб ҳақидаги шеърларимни танлаб мактаб дарсликлари, турли методик қўлланмаларга кирита бошладилар. Шу аснода, бироз вақтдан кейин дабдурустдан болаларга бағишланган шеърларим кўшиқ бўлиб, республика радио ва телевидениеси орқали жаранглайдиган бўлди. Биринчи бўлиб ижодимга болаларнинг таниқли бастакорларидан Нодим Норхўжаев, Аваз Мансуровлар муурожаат қилишган. Сўнроқ ёш санъатсеварларнинг сеvimли устози, Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов туркум шеърларимга куй басталаб, маънавий рағбатлантирди. Шундан бери мамлакатимизнинг кўплаб таниқли бастакорлари ўнлаб шеърларимга бир-биридан чиройли, ранг-баранг куйлар ёзишган. Эндиликда болалар кўшиқларимни жаранглайиб куйлашга ётганидан хурсандман.

—Қамбар ака, Сиз Республикамикимизда чиқадиган ягона болалар газетаси қошида ташкил этилган "Орзу" адабий уюшмасига раҳбар бўлиб, ёш ижодкорларга таълим бергансиз. Кўлаб қаламқаш ёшларга устозлик қилгансиз. Уларга ўз истакларингизни билдирсангиз.

—Ижод дарди қалбига кирган одам, каттадир-кичикдир, унга бир умр меҳрланиб, қаламининг оҳанрабои ўзига тортиб яшайди. "Орзу" адабий уюшмаси ўз фаолияти давомида фақат Тошкентдагина ва унинг атрофидаги туманлардагина эмас, бутун Ўзбекистондаги ижодкор ўқувчилар эътиборини ўзига тортган. Ота-оналарини кўярда-қўймай Тошкентга олиб келишга кўндириб, Бухоро, Самарқанд, Навоий, Сирдарё вилоятлари туманларидан, қўшни Қозоғистоннинг Чимкентидан, Қирғизистоннинг Ўшидан ижодкор, шеър ва ҳикоялар машқ қилувчи ўқувчилар келиб, "Орзу" адабий уюшмаси машғулотларида қатнашган пайтлар кўп бўлган. Машғулотда пиштилиб маъқул топилган асарлар доимий суратда газета саҳифасида бериб борилган. Ҳозирги кунда бу ёшларнинг кўпчилиги турли тахририятларда фаолият кўрсатишмоқда. Бу ижодкор ёшларга Ватанимиз ва халқимиз эришган ютуқларни дунёга ёйишда жонбозлик кўрсатишларига тилак билдираман.

Икром БҮРИБОЕВ
суҳбатлашди.

«ЎҚИТУВЧИГА ҲАВАСИМ ЮКСАК!»

тиб, турли йўлланмалар бериб турувчи "билимдонлар" кўп эди. Шеърнинг ҳар бир сўзига олам-олам тесқари фикр билдиришиб, оҳорини бутунлай тўкиб ташлашарди. Гўё бола бир умрга болалигича қолиб кетадигандай эди, уларнинг назарида. Энди болаларнинг фикрлашлари чакмоқдай... Энди замон бошқача. Уша даврларда ёзиб, асраб юрган асарларимдан саралаб ўқувчилар ҳукмига ҳавола қилиб боряман.

—Шеърларингизни ўқиганда ижодингизда йиллар оша турли ўзгаришлар бўла борганини сезиш мумкин. Дастлабки ижодингизда соддалик устунлик қилган бўлса, кейинчалик унинг ўрнини кўпроқ фикрчанлик эгаллай борган. Буни қандай изоҳлайсиз?

—Ҳаёт доим ўзгаришда. Ҳар бир замоннинг талаби ҳам турлича эканлиги—ҳақиқат. Қолаверса, ўқувчи бир хилликдан зерикади. Оддий, ҳаммага маълум гаплардан, энгил-елпи фикрлардан қочиш учун шундай қилгандирман эҳтимол. Нима бўлганда ҳам ўсувчи авлод эътиборини ҳаётий ҳақиқатга қаратиш мўҳим, деб биламан.

Айримлар ўйлаганидек, ҳамма бола бирдай содда, ҳаётни катталардай фикрлай олмайдиган, ҳамма нарсага ишониб кетаверадиган даражада эмас. Аксинча, улар ҳаётни иқир-чиқиргача билишга қизиқадиган, ўрганишга ташна, ҳар бир воқеа-ҳодисанинг охирига етишга эришиб, яхши инсонлар бўлиб камол топишга интиладиган бўлишади. Улар атроф-муҳитга бефарқ қарамасдан, бирдамлик, дўстлик, тинчликнинг қадрига етиб, яхши билан ёмоннинг, дўст билан душманнинг фарқига боришга, келажакда ватанларвар, мард, жасур, одамохун инсонлар бўлиб, шоншараф кучиб, обрў топиб яшаш йўлларини қидирадилар.

дай тағ-замири пуч, ғашни келтирувчи эзмаликни тенглаштириб бўлмайди, албатта. Ақл билан ўтли қалбдаги ўткир фикр бирлашганда дил кўзи нур сочиб, узоқларни кўриши ҳақиқатдир! Сиз айтгандай, насиҳатга сал тегиб кетадиган айрим шеърларимдан мисол келтиришга ижозат сўрайман. "Майли, тоғ бўлманг асло, тақдирга кўнманг асло. Эй қумлар, қардош бўлинг, бириқишиб тош бўлинг..." ("Қумлар" шеърдан), "Ернинг елкасида инсон қадами, асраса агарда одам одамни, ҳамма бирдай эркин яшаса кулиб, Она-Ер айланар қувончга тўлиб" ("Ер ташвиши" шеърдан), "Дўст танлашда шошилдинг, аравага қўшилдинг... Қолгансан зап тутилиб, кетолмайсан қутилиб" ("Аравага қўшилган от" шеърдан). Болаларда фикр уйғотадиган асарлар уларнинг онгини ўткирлаштириб, ҳаёт ҳақиқатини англаб етишларига ёрдам беради, деб ўйлайман.

—Кейинги чорак аср давомида нашрдан чиққан китобларингизга киритилган "Кичкина деманг бизни" туркумидаги юздан ортиқ шеърларингиз алоҳида ажралаб туради. Бу қисқа бўғинли тўртликларни бола бир ўқишдаёқ ёдлаб олиши мумкин. Уларнинг ичида кўп фикрлилари ҳам бор.

—Бундай кичик ҳажмли шеърлар ёзишни илгари бошлаганман. Катталарга аталган иккилик-фардларим, учликлар-туморларим ва туркум тўртликларим анча илгари эълон қилинган эди. 70-йилларга келиб улардан болаларга аталганларини жамлаб, туркум қилиб, китобларимга киритдим. Бу шеърларни болалар яхши қабул қилишди. Мактабларда учрашувларда бўлганимда ўқувчилар ҳамон бу шеърларимни иштиёқ билан ёддан айтиб бе-

—Ҳаётимнинг катта қисми шаҳарда ўтган. Аммо табиат кўйида туғилганман. Ўйрагим-майсалар, болаликдаги кўрпа-тўшагим кўкаламзор бўлгани рост. Шу боис табиат менинг жон-қилим. Авваллари сал вақтим бўлса табиат кўйига ошиқардим. Ўт-ўланларда кезишни, тоғу тошларга кўксимни кериб фахрланишни, боғроғлар тароватидан баҳраманд бўлишни, сувларнинг шилдирашию тўлқинларга термулиб хаёл суришни яхши кўрардим, кушларнинг сайрашини берилиб тинглашни жон-дилдан ёқтирардим. Иложи топилса, ҳеч ким кўрмаган, ҳеч ким ҳис этмаган табиатнинг сиру синоатини бир буюқ рассомдай чизсам, тенгсиз гўзалликдан эл-юртни баҳраманд қилсам, дердим. Мен эса уни, имконим борича, болаларга ёқимли бўёқларда, ингичкагина бир овозда нозик-майин сўзлар билан ўзимча ифода этолдим холос, шуниси ҳам шукр!

—Ижодингизда мактаб ҳаёти, китоб қадри, илм олиш хосияти, ўқитувчи устозлар ҳақида кўлаб шеърлар учрайди. Муаллим-устозларингиз ҳақида ҳам гапиргансиз.

Мактаб ва китоб муқаддасдир. Ўқитувчи ва ўқувчи мактаб ва китобнинг бир умрлик шайдоси бўлиб, дунёда эзгуликни кўпайтириш учун бири илм, таълим-тарбия бериб, иккинчиси илм, таълим-тарбия олиб чарчамайди.

Мактаб ва китобнинг қадри-қиммати ва ўқитувчи-устозларга кўлаб шеърлар бағишлашимнинг сабаби, инсонни болаликдан тарбиялаб, ҳаётимизни мунаввар қилувчи жиҳатларга қалбимда меҳр-муҳаббатим баланглиги туфайлидир.

Ўқитувчи шундай улуғ зотки, уларнинг хизматлари мактаб кўрган, китоб варақлаб, таълим-

ВАҚТ: ТАЛАБА ВА ТАЪЛИМ

Атоқли адибимиз Абдулла Қодирий номи билан юритилувчи Тошкент Давлат маданият институти 1973 йил 4 октябрда ташкил этилган. Унинг асосий мақсади—минглаб маданий-маърифий муассасалар, маданият масканлари, кутубхоналар учун малакали ходимлар тайёрлашдан иборат.

Ҳозирги вақтда институтда **ижтимоий-маданий фаолият, халқ бадий ижодиёти, кутубхона-ахборот фаолиятини бошқарув, касбий-педагогик тайёргарлик, маданиятшунослик (сиртки) ва малака ошириш факультетлари мавжуд.**

Yo'qlov

ТАМАЛ ТОШИ КЎЙГАНЛАР

Институт 25 йиллик тарихга эга. Вақт тезкор, бугунимиз шу қадар шитоб билан кечага айланадики, ҳар бир куннинг ўз саҳифалари бор. Шу маънода институтга турли йилларда ректорлик қилган фан арбобларини эсламасдан, ёдга олмасдан илож йўқ.

Азиз Қаюмов, Ҳафиз Абдусаматов, Ғайни Нажимов, Матбуа Аҳмедова, Сергей Хан каби таълим ва нуфузли олимлар, таълим жараёнини яхши биладиган моҳир ташкилотчиларнинг институтга раҳбарлик қилишлари бу даргоҳ обрўсининг ошишига замин яратди. Бадийроқ иборада айтадиган бўлсак, улар институтнинг тамал тоши қўйилишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институтининг кутубхоначилик, Мухтор Ашрафий номидаги Тошкент Давлат Консерваторияси ҳамда Маннон Уйғур номидаги Санъат институтининг тегишли бўлимлари негизда ташкил этилган Маданият институтида республикамиз маданий соҳалари учун ниятда зарур бўлган кадрлар тайёрлаш жараёни собитқадамлик билан давом этмоқда.

Институтнинг ҳозирги кунда ҳар томонлама мустақам ўқув юрти сифатида шаклланишида маданий ҳаётда фидойилик билан меҳнат қилган кўплаб истеъдодли, иқтидорли олимларни, моҳир ташкилотчиларни ва ҳозирда ҳам ўзларининг шижоатли меҳнатлари билан барчага ўрнак бўлаётган қатор профессор-ўқитувчиларнинг номларини эслаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Улар сафига ҳеч шубҳаланмасдан Наби Раҳимов, Абдулла Мухамедов, Собир Мирвалиев, Малик Муродов, Ғайрат Жалолов, Раҳматжон Турсунов, Эркин Худойбердиевлар Шухрат Шамсиев, Ҳамид Абдуллаев, Султон Ҳайитбоев, Малоҳат Раҳимова ва бошқаларнинг номларини киритиш мумкин.

Институт республикамиздаги мавжуд бўлган барча кутубхоналарга юқори малакали кутубхоначи-библиографларни, маданий-маърифий муассасалар учун эса клуб ишлари методист-ташкилотчиси, хаваскорлик театр коллективи раҳбари, оммавий байрамлар ташкилотчиси, режиссёри, хаваскорлик халқ чолғу асбоблари оркестри, хаваскорлик рақс ва хор жамоаларининг раҳбарлари, халқ мусиқаси, маданият менежерлари, кино тарғиботи, меҳнаткашлар дам олишини уюштириш бўйича ташкилотчи-мутахассисларни тайёрлаб бермоқда.

17 миллат вакиллари билан иборат талабалар нафақат Ўзбекистонда, шу билан бирга қўшни мамлакатларда ҳам фидойилик билан хизмат кўрсатишлари маданият институти учун жуда аҳамиятлидир. Ўтган 25 йил ичида институтни 20 мингга яқин юқори малакали маданият ходимлари битириб чиқиб, олий маълумот эгаси бўлиши, табиийки, Ўзбекистон маданий-маънавий ҳаётини барқарорлаштиришга муҳим ҳисса бўлиб қўшилди.

Институтда ўқув жараёнини ташкил этишни янада такомиллаштириш масалалари ректорат, касаба уюشمаси ва бошқа жамоат ташкилотларининг доимий диққат марказида турибди. Ҳозирги пайтда олий ўқув юртининг 8 та кафедрасида 150 га яқин профессор таълим-тарби-



МАДАНИЯТ МУАССАСАСИГА КАДРЛАР

янинг синалган шакллари излаб топиш, уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш бўйича самарали фаолият кўрсатмоқдалар.

Олий ўқув юртида таълим жараёнини ташкил этишдаги ўзига хослик, унинг бошқа институтлардаги ҳолатидан фарқи, табиийки, ушбу масканда меҳнат қилаётган муаллимлар зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. Шу маънода олий ўқув юртида олиб борилаётган тадбирлар институт жамоаси томонидан танланган йўл тўғри эканлигидан далолат бермоқда.

Илмий-тадқиқот ва бадий-ижодий соҳасидаги ишларга жуда катта эътибор берилмоқда. Агар институт ташкил этилган даврда у ўзининг фан докторлари ва фан номзодлари сони бўйича мамлакатимиз олий ўқув юртли орасида энг сўнгги ўринлардан бирини эгаллаган бўлса, ҳозирги кунга келиб, бу ерда 14 нафар фан доктори ва профессорлар, 70 нафар дан ортиқ фан номзодлари ва доцентлар ўқув жараёнини такомиллаштириш билан бирга илмий-тадқиқот соҳасида ҳам жиддий ишлар олиб бермоқдалар.

1997 йилда амалиётга жорий этилган "Таълим тўғрисида"ги қонун ҳамда "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" ижросида ўз ўрнимизни аниқ ва мукамал белгилаб олганмиз. Ўқув жараёнини такомиллаштириш мақсадида илмий кенгаш Қарори билан қуйидаги таркибий ўзгаришлар қилинди: кундузги маданий-маърифий ишлар

Rektor minbari

факультети заминида иккита факультет тузилди: ижтимоий-маданий фаолият ва халқ бадий ижодиёти.

Кафедраларнинг йўналишлари асосида йириклаштириш ўтказилди. Бундан мақсад ўқув жараёнида такрорийликни бартараф этишдир. Масалан, илгари мавжуд бўлган рус адабиёти, чет тили, рус тили, жаҳон тиллари ва адабиёти кафедралари битта кафедрга айланди. Маданиятда бошқарув ва иқтисодиёт кафедраси кенгайтирилиб, унга институтдаги иқтисодиёт фанлари бирлаштирилди. 2000-2001 ўқув йилида мусиқа тарихи ва назарияси кафедраси янада такомиллаштирилиб, фанлари хор дирижёрлиги ҳамда халқ чолғулари кафедрасига ўтказилди.

Кутубхоначилик факультетида бакалаврият босқичида кутубхоначи-библиограф умумий касбини эгаллаш мўлжалланган. Лекин ҳозирги замон талаби асосида масала қайта кўриб чиқилса, мақсадга мувофиқдир. Масалан, ҳозир Республикада 10 мингдан ортиқ болалар ва мактаб кутубхоналари мавжуд. Уларга махсус тайёргарлик кўрган мутахассислар тайёрлаш ўта долзарбдир. Шуни ҳисобга олиб, ушбу бўлимни дастлаб мустақил кафедрга даражасида тиклаш, ишни янгича ташкил этиш, талабалар қабулини жиддий режалаштириш лозим бўлди.

1997-2000 йилларда таълим самарадорлигини ошириш мақсадида институтдаги ўқув жараёни замонавий техника воситалари билан таъминланди.

Институтда Pentium компьютерлари базасида электрон каталог ҳосил қилинган. PROMT-99 дастури ёрдамида электрон таржима қилиш, ҳужжатларни ЭҲМ хотирасига киритишни автоматлаштириш мумкин. Давлат имтиҳонларини қабул қиладиган тест маркази ташкил этилди. Талабалар учун махсус компьютер синфи мавжуд. Институт кутубхонаси, деканатлар замонавий компьютерлар билан таъминланган. Хорижий тилларни чуқурроқ ўргатиш учун махсус лингфон хонаси бор. Буларнинг барчасига 6.500.000 сўмлик маблағ сарфланди.

Хулоса шуки, ўз вазифасига, обрў ва аҳамиятига эга Тошкент Давлат маданият институти янги асрда ҳам Ўзбекистон-мустақиллигини ўз хизмати билан мустақамловчи кадрларни тайёрлаб бераверади.

Азиз Тўраев,
Тошкент Давлат маданият
институти ректори



БУГУННИНГ ТАЛАБИ

Маънавият ва маърифатни юксалтириш бугунги куннинг асосий масаласига айланди. Бинобарин, янги жамиятни маънавиятли, маърифатли кишилар куради.

Институтимизнинг маънавият ва маърифат хонаси безатилиши, мазмунан хилма-хиллиги ҳамда таълим соҳасидаги ҳар қандай тадбирда гавжум масканга айланиши билан ажралиб туради. Буюк алломаларимизнинг портретлари хонага улуғворлик руҳини бағишлаб турибди. Китоб, журнал, газеталарнинг хилма-хиллигидан нафақат талабалар, балки ўқитувчиларимиз ҳам баҳраманддирлар.

Ўтган 2000 йил—"Соғлом авлод йили" да институт ректорати ҳамда бошқа жамоат ташкилотлари билан биргаликда 234 та турли катта-кичик тадбирлар уюштирилди. Ўйлайманки, ўтказилган тадбирлар қайсидир жи-

E'tirof

ҳати билан талабаларимизга маъқул ва манзур бўлган. "Эъзоз" деб номланган тадбиримиз эса шеърят мулкнинг султони Навоий, романнавис Абдулла Қодирий ва шоира Зулфияларнинг хотираларига бағишлаб ўтказилди.

Бу йил "Оналар ва болалар" йилида ҳам режаларимизни тасдиқлаб олдик. Маънавият ва маърифат хонаси бу режаларнинг барчасида иштирок этмоқда.

"Соғлом авлод учун" жамғармасининг Мирзо Улуғбек туман бўлими барча талабаларни тиббий кўриқдан ўтказишни таъминлади.

Маънавият ва маърифат долзарб масала. Уларни жонлантиришга қанчалик кўп уринсак, шунчалик юртимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётини ривожлантирган бўламиз.

Саодат Йўлдошева,
институт маънавият ва
маърифат бўлими бошлиғи.

ТАЛАБАНИНГ ИККИНЧИ ҲАҲАТИ

Талаба—ижтимоий ҳимояга, қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд. Айниқса, республикамизнинг олис вилоятларидан келиб, олий ўқув юртларида таҳсил олаётган ёшларга турар-жой масаласида ғам-ўрлик кўрсатиш ҳар бир институт маъмуриятининг диққат-марказидаги масаладир.

Хусусан, бизнинг институтда ҳам талабаларга зарурий шароитлар яратиб берилган. 600 ўринга мўлжалланган талабалар уйида кўплаб ёшлар истиқомат қилмоқда. Талабалар сонининг камлиги контингентнинг анча қисқартирилиши ва аксарият ёшларнинг ўз турар-жойларига эгаллиги билан боғлиқ. Малака ошириш факультети тингловчилари ҳам талабалар уйидан фойдаланишади. Ҳар бир хонага 2 киши қўйилган бўлиб, керакли жиҳозлар бор. Чой-шаблар вақти-вақти билан алмаштириб турилади.

Талабалар уйида кутубхона, ўқув зали, спорт ва маънавият хоналари мавжуд.

Ҳар бир қаватда олиш хоналари, шунингдек, санитария-гигиена лабалар эҳтиёжига

G'amxo'rlik

Билим олаётган талабаларнинг маънавий дунёсини кенгайтирувчи тадбирлар мунтазам амалга оширилмоқда. Янги йил байрам дастури ўтказилди.

"Соғлом авлод йили"да 40 нафар алоҳида ёрдамга муҳтож талабаларга бир ойлик стипендия миқдорида моддий ёрдам кўрсатилди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилишлари учун ҳар бир талабага 1000 сўмдан пул тарқатилди.

Ғапимнинг сўнггида шуни алоҳида таъкидламоқчиманки, талабанин иккинчи уйда яшаган даврлари унинг хотирасида бир умр сақланади. Демак, институт раҳбарияти ҳамда жамоат ташкилотларининг барча ташаббуслари, тадбир ва ҳаракатлари шунга муносиб бўлиши керак.

Фахриддин ИКРОМХЎЖАЕВ,
институт касаба уюشمаси кўмитаси раиси

Саҳифа материалларини
Хулқар ТҲИМАНОВА тайёрлади.

ДИҚҚАТ! ТАНЛОВ!

Ўқувчи-ёшлар қалбига миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини сингдириш, уларда аждодларимиз меросига ҳурмат, Ватанга садоқат, истиқлол ғояларига фидойилик туйғуларини тарбиялаш мақсадида ҳамда умумий ўрта таълим мактабларининг "Одобнома" ва "Ватан туйғуси" ўқув фанларидан замон талабига жавоб берадиган ўқув дастурлари ва дарсликлар яратиш учун Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Дастур ва дарслик қўлёзмалари матнлари компьютерда терилган, уч нусхада қоғозга босилган ва дискетага ёзилган бўлиши керак. Қўлёзмаларни топшириш муддати 2001 йил 1 майгача.

Танловда биринчи ўринларни олган дастур ва дарсликлар учун мукофотлар қуйидагича:

- 1-синф учун "Одобнома" — 100000 сўм;
- 2-синф учун "Одобнома" — 100000 сўм;
- 3-синф учун "Одобнома" — 100000 сўм;
- 4-синф учун "Одобнома" — 100000 сўм;
- 5-синф учун "Ватан туйғуси" — 150000 сўм;
- 6-синф учун "Ватан туйғуси" — 150000 сўм.

Кейинги совринли ўринларни эгаллаган ўқув дастури ва дарсликлар учун рағбатлантирувчи мукофотлар белгиланган.

Қўлёзмаларни қабул қилиш манзили: 700027, Тошкент, Ўзбекистон кўчаси, 80-уй.
Республика таълим маркази, тел.: 1391140, 457213.

Халқ таълими вазирлиги шу йилнинг 15, 16, 17 январь кунлари бўлиб ўтган ўқув қуроллари ва иссиқ кийимларни харид қилиш бўйича тендер ғолибларини эълон қилади:

БОЛАЛАР КУРТКАСИ БЎЙИЧА

"Одина" хусусий корхонаси
"Феруз" акциядорлик бирлашмаси
"Бизинтруд" Хоразм Пастдарғом - Амерос
"Намуна" масъулияти чекланган жамият
"Гули" жамоа корхонаси
"Гулбахор" жамоа корхонаси
"Нуроний" хусусий корхонаси
"Саманд-2" хусусий корхонаси
Хаққулобод тикувчилик фабрикаси
"Оқ тулпор" хусусий корхонаси
"Юный умелец" ДПТК
"Меъёр" хусусий корхонаси
"Навоий-Илм" корхонаси
"Ҳакимов" хусусий корхонаси
ПКФ "Беклар"
"Маматохунова" хусусий тадбиркор
"Қизил тонг" акциядорлик бирлашмаси
"Зиёдий" хусусий корхонаси
"Зулунов" хусусий тадбиркор
"Касмир ЛТД" масъулияти чекланган жамият
"Улуғ-Шух" хусусий корхонаси
"Матонат" ишлаб чиқариш корхонаси
"Атабоев Носиржон" хусусий тадбиркор
"Тоғ гўзали" акциядорлик бирлашмаси
"Косонсой-Текмен" қўшма корхонаси
"Аброршоҳ" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси
"Андижон-Саноат-Бутлаш" хусусий корхонаси
"Санам" акциядорлик бирлашмаси
"Нанай" масъулияти чекланган жамият
"Дилшод" масъулияти чекланган жамият
"Жаҳон-Савдо-Сервис" фирмаси
"Таълим-Қурилиш-Савдо" корхонаси
("8 Март" А.Б. ва "Бизинтруд-Боз" ташкилотлари заҳирага олинди)

БОЛАЛАР ПОЙАБЗАЛИ БЎЙИЧА

"Нақшбандий" ишлаб чиқариш корхонаси
"Азиз-М" хусусий ишлаб чиқариш корхонаси
Ғиждувон пойабзал фабрикаси
"Камолот" акциядорлик жамияти
"Меъёр" хусусий фирмаси
"Андижон-Саноат-Бутлаш" хусусий корхонаси
Андижон пойабзал фабрикаси
Косонсой пойабзал фабрикаси
"Агат" хусусий фирмаси
"Алгоритм-Фаргона"
"Матонат" ишлаб чиқариш корхонаси
"Нуроний" хусусий корхонаси
Қўқон пойабзал фабрикаси
"Саломат" масъулияти чекланган жамият
"Оқ тулпор" хусусий корхонаси
Ногиронлар жамияти дирекцияси
ОАО "Пойабзал-Анд" корхонаси
"Матонатли-Нодирбек" хусусий корхонаси
"Баркамол" хусусий фирмаси
Ортопедия ва протез ишлаб чиқариш хусусий корхонаси
"Араббой ота" хусусий корхонаси
"Шарқ" пойабзал фабрикаси
"Кичкинтой" акциядорлик бирлашмаси
"Улуғ-Шух" хусусий фирмаси
"Зиёдий" хусусий фирмаси
"Аброрбек" хусусий фирмаси
"Камрон" хусусий фирмаси
"Истиқлол-Шўрчи" хусусий фирмаси
"Ал-Маҳмуд" хусусий фирмаси
(Хоразм пойабзал акционерлик жамияти, "Янги-Вега" ва "Даритал" қўшма корхоналари заҳирага олинди)

ҚАЛПОҚ ВА ҚЎЛҚОП БЎЙИЧА

Ўқувчи кийими
"Мадина" акционерлик бирлашмаси
"Қизил-Кўприк" корхонаси
Нитрал корхонаси
"Юлдуз"-ЛТД
"Наврўз"

"Дўстлик-тикув-тўқув"
(Учқун ва Зилола-Текс ташкилотлари заҳирага олинди)

ЎҚУВЧИЛАР СУМКАСИ

"Али-Усмонов" хусусий корхонаси
"Навоий-Илм" ДП
"Саманд-2" ишлаб чиқариш корхонаси
"Орзу" акциядорлик жамияти
"Одина" хусусий корхонаси
"Болалар-2000"
ПП-3 Ғиждувон пойабзал фабрикаси
"Ҳакимов" хусусий корхонаси
"Ваҳобов" хусусий корхонаси
"Эдем" кичик корхона
Хўжабод акциядорлик бирлашмаси
"Шаббода" хусусий корхонаси
"Шўрчи-Азвест-Экспресс" қўшма корхонаси
Хаққулобод тикув фабрикаси
ПП-1 "Нақшбандий" акциядорлик бирлашмаси
"Нуроний" хусусий корхонаси
"Шох-Ақбар" ишлаб чиқариш корхонаси
"Тарандубитель" акциядорлик бирлашмаси қошидаги "Чарм" кичик корхонаси
"Алгоритм" кичик корхонаси
"Зафко" қўшма корхонаси
"Тянь-Шань" ишлаб чиқариш корхонаси
"Мадина-97" хусусий корхонаси
"Омад" хусусий корхонаси
"Тарандубитель" акциядорлик бирлашмаси
Технологик лицей Тошкент шаҳри
"Кичкинтой" акционерлик бирлашмаси
"Юный-умелец" ДПТК
"Пастдарғом-Амерос" корхонаси
"Шарқ пойабзали" масъулияти чекланган бирлашмаси
"Шоирабону" хусусий корхонаси
Ўқувчи кийими кичик корхонаси
"Ойдин" жамоа корхонаси
"Шоҳи сўзана" акциядорлик бирлашмаси

ЎҚУВЧИЛАР ДАФТАРИ БЎЙИЧА

"Мия"
"Гамма-Текс"
"Таълим-Қурилиш-Савдо"
"Фавн"
"1-Тошкент босмахонаси"

РАСМ ДАФТАРИ БЎЙИЧА

"Тошвилояткитобсавдо"
"1-Тошкентбосмахонаси"

ОДИЙ ҚАЛАМ БЎЙИЧА

"Илҳомов" ХФ
«Ўқувчи кийим»

ЎЧИРГИЧ БЎЙИЧА

"Илҳомов" ХФ

ЎҚУВЧИЛАР РУЧКАСИ БЎЙИЧА

"Таълим-Савдо-Жиҳоз"
"Ўқувчи кийим"

ҚАЛАМДОН БЎЙИЧА

"Мия"

РАНГЛИ ҚАЛАМ БЎЙИЧА

"Ҳалол-Пудрат"
"Илҳомов" ХФ

ЕЛИМ БЎЙИЧА

"Таълим-Савдо-Жиҳоз"
"Илҳомов"
"Эл-Пласт"

ПЛАСТИЛИН БЎЙИЧА

"Эл-Пласт"
"Таълим-Қурилиш-Савдо"

БЎЁҚЛАР БЎЙИЧА

ООО "Суарта"

РАНГЛИ ҚОҒОЗ БЎЙИЧА

Тошполиграфкомбинат
1-Тошкент босмахонаси

Сарлавҳадаги сўзлар Садриддин Айнийнинг "Беҳбудий руҳига итҳоф" сарлавҳали газалидан олинган. Дарҳақиқат, авлодлар улуг маърифатпарвар бобомиз Махмудхўжа Беҳбудийни яна бир бор ёдга олди. Самарқандда унинг 125 йиллик юбилеи муносабати билан катта тантаналар бўлиб ўтди.

Бу тадбирларда Махмудхўжа Беҳбудийнинг амалга оширган ишлари, армонли орзулари ҳақида фикр юритилди, фаолият майдонининг кенглиги, сифатлари яна бир бор эътироф этилди. Зеро, "Меҳнаткашлар товуши" газетасининг 1920 йил 8 апрель сонидида чоп этилган қуйидаги фикр ушбу тантаналарда янграган эътирофларнинг қисқача кўриниши эди: "Махмудхўжа юртнинг эҳтиёжига қараб муҳаррир-да бўлди, муаллим-да бўлди, газетчилик қилди, мактаб китоблари ёзди, тиётрчилик қилди, сиёсий ишларга ишлади, халққа сиёсий фикр берди, халқнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини ислоҳ қилмоқ учун иқтисодий ва ижтимоий олим бўлиб халққа фикр тарқатди. Фикҳи ислом, ҳадис ва тафсир билан шуғулланиб, сўйлайтурғон ва ёзадирғон нарсаларини шаръий далиллар билан исбот қилди".

Бу кўчирмадаги барча гаплар тўғри. Исбот эса давр матбуотида, хотираларда, чоп этган китобларида сақланиб қолган ва улар бугунги тадқиқотларда қайта-қайта ўз тасдиғини топмоқда. Беҳбудийнинг бу қадар кенг фаолият кўрсатганлиги замирида Озодлик ғояси ётарди. Қайси фаолиятига эътибор берманг, унинг моҳиятида ана шу тушунча мавжудлигини кўрамиз. Мактаб очганлигини олайлик. Бу мактабда кимлар ўқийди ва нима учун ўқийди, қанақа билимларни эгаллай олади? Бола бу мактабда тарихни ўрганади, боболаримизнинг ким бўлганлигини англайди, чет

Mahmudxo'ja Behbudiy tavalludining 125 yilligi

тиллар ўрганади дунё сиёсатидан бохабар бўлиши учун... Газета таъсис этганлигининг сабабини суриштиринг—халқнинг кўзини очмоқ учун...

Хўш, Махмудхўжа Беҳбудийнинг 120 йиллик тўйдан 125 йиллик тўйи нималари билан фарқланади? Аввало, 1997 йилда "Маънавият" нашриётида унинг танланган асарлари "Истиқлол қаҳрамонлари" сериясида чоп этилди. Кўп ўтмай, мазкур асарнинг тўлдирилган нашри қайта чоп этилди. "Маърифат-Мададкор" нашриёти "Маърифат либосидаги Озодлик" номли рисолаи чоп этди. Махмудхўжа Беҳбудийнинг маърифатпарварлиги, драматургияси, публицистикаси, фалсафий қарашлари бўйича номзод-

олимлар филология фанлари докторлари, профессорлар Бегали Қосимов ва Наим Каримов, ёзувчи-публицист Нусрат Раҳмат, театршунос Бурҳон Исломов алломанинг ижоди ва фаолияти ҳақида тўпланганларга сўзлаб бердилар. Беҳбудийнинг авлодлари номидан сўзга чиққан Мидҳадхон Беҳбудий (набираси) кўрсатилаётган эътибор учун, аввало, юртимиз раҳбарига ва ушбу тадбирларнинг бошида турган барча-барчага миннатдорчилик изҳор этди. У ўтган давр ичида бошидан ўтказган воқеалардан сўзлаб берди. Шўро даврида уни ҳар сафар бирор ишга таклиф қилишар экан, албатта, "фамилиянгизни ўзгартирсангиз", деган шарт қўйишаркан. Мидҳад-

ликда "Махмудхўжа Беҳбудий" аталмиш мўъжаз рисола нашр этибдики, бу ҳам ибратли ишлар сирасига киради.

Хўш, Беҳбудий номини абадийлаштириш бўйича яна нималарга эриша олмадик? Албатта, биринчи ёдга тушадиган сабаб, аллома қабрининг топилмаганлигидир. Бу йўлда оила аъзолари ҳам, олимлар ҳам бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилишларини таъкидладилар. Бошқа бир ўкинч—у яшаб, ижод қилган, "Самарқанд" газетаси ва "Ойина" журналининг таҳририяти ҳисобланган хонадон ҳамон уй-музейига айлантирилмаган. Авлодлари бир нарсани—биз бу уйда яшаш ёки ўзимизники қилиб олиш фикридан йироқмиз, дейишди. Ахир, Беҳбудийдан ёдгорлик сифатида шу уй қолган, холос... Айни кунда бу уйда жойлашган ташкилотни кўчириш ва уни музейга айлантириш учун анчагина маблағ керак бўлар экан. Бу йил бўлмаса келгуси йил ёки кейинги юбилейгача бу маблағ топилмиши муқаррар. Негаки, Ўзбекистон бутун жаҳон ҳам-жамяти нигоҳида ривожланиб бормоқда. Ватан озодлиги йўлида жонини тиккан фидойи аждодларимиз хотираси абадийлаштирилмоқда.

Қолаверса, тадбирларда бир роя илгари сурилди. У ҳам бўлса, Махмудхўжа Беҳбудий номидаги халқаро жамғарма тузишдир. Зеро, унинг ижоди Японияда, АҚШ ва Германияда ўрганилмоқда. Агар жамғарма тузилса, унинг хотирасини абадийлаштиришда кўп ибратли ишларни амалга ошириш имконияти туғилади.

Махмудхўжа Беҳбудий ҳаёти бугунги кун ишбилармонларигау публицистлари, навқирон ёшлари учун ибрат дарси бўла олади. Унинг ёзган асарлари ҳеч қачон ўз аҳамиятини йўқотмайди. Уни шу юрт аҳли доимо ёд этади.

Х.САИДОВ
Тошкент-Самарқанд-Тошкент



МАЪРИФАТ ҚУЁШИ

Илм машъалини ёқди,
кетсин деб жаҳолатни,
Тасаввур ҳеч қилолмасди
илмсиз, жоҳил миллатни,
Илмдан топди у чексиз
шарафни, қадр қимматни,
Илм осмонида Ою
Қуёш эмасму Беҳбудий?!

Маърифатга ошинолик
кўнгул дилбарлигидандир,
Ҳам олим ҳамда шоир,
устозу раҳбарлигидандир,
Агар қанча буюк бўлса,
яна камтарлигидандир,
Илм осмонида Ою
Қуёш эмасму Беҳбудий?

Тийиксиз қўл отган тошлар
Қуёшу Ойга етгайму,
Элу юрт-чун қилинган
эзгулик беҳуда кетгайму,
Жаҳолат этаги Ойни,
тўлин Ойни бекитгайму,
Илм осмонида Ою
Қуёш эмасму Беҳбудий?!

Олқор ДАМИН

**"ВАТАН АВЛОДИ
ЁД ЭТДИ"**

лик ишлари ёқланди. У туғилиб ўсган Тайлоқ тумани Бахшитепа қишлоғидаги 15-ўрта мактабга, марказий кўчага унинг номи берилди.

Вилоят ҳокимлиги, "Олтин мерос" жамғармаси ва вилоят халқ таълими бошқармаси ҳамкорликда ўтказган Махмудхўжа Беҳбудийнинг 125 йиллигига бағишланган тадбир ана шундай ибратли ишларга бой бўлди. Меҳмонлар ва Беҳбудийнинг авлодлари Самарқанд вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтида йиғилишди. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Абди Маматов вилоят ҳокими имзо чеккан қарорни ўқиб эшиттирди. Унга кўра, мазкур илм даргоҳи Махмудхўжа Беҳбудий номи билан аталадиган бўлди.

Тадбир Ҳамид Олимжон номидаги вилоят драма театридаги адабий-бадиий кеча билан давом этди. Унда сўзга чиққан

хон ҳар сафар бобосидан ёдгорлик ҳисобланган Беҳбудий шарафини танлаб келибди. Чевара-Шоҳруҳ Беҳбудий олимларнинг тадқиқотлари учун барча олимларга раҳмат айтиб, уларни Беҳбудийлар оиласининг аъзоси сифатида эътироф этди. Тадбирларнинг алоҳида бир қисмида Махмудхўжа Беҳбудий хотирасига Қуръон тиловат қилинди, юртга ош тортилди.

Самарқанд вилоят халқ таълими бошқармаси ва Беҳбудий номи берилган вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институти нашри ҳисобланмиш "Зиёкор" журнали ўзининг бир сонини улуг маърифатпарварнинг ҳаёти ва ижодига бағишлаган.

Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университетида ҳам катта анжуман бўлиб ўтди. Шунингдек, "Олтин мерос" жамғармасининг вилоят бўлими билан СамДУ ҳамкор-

Ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилган мусулмон уламо ва ҳукамолари ниҳоят кўпдур. Инчунин, Туркистон музофотига ўсуб шаръий ва ақлий илмларга китоб тасниф қилган ниҳоят, машҳур уламоларни адади неча юздан ўтадур. Бу китобимиз ақлий ва фанний илмларга таалуқ учун ақлий ва фанний илмларга китоб тасниф қилган ва ниҳоят машҳур Туркистоний уламо ва ҳукамо ва муаррих, мусаннифларни (китоб тузувчи, муаллиф. - тах) мунда ёзармизки, ушбудур. Агарда ақлий ва нақлий илмларга китоб тасниф қилган Туркистон уламоларни ҳаммасини аҳволи ва таснифотини ёзмоқ лозим бўлса, ушбу китобимиздан ҳам каттароқ бир китоб тайёрламоқ керак бўладур. Шайх-ур раис Ибн Сино. Бу Али лугат, мантиқ, жуғрофия, мусиқи, ахлоқ, кимё, абтоли аҳкоми нужум, табиат, мофук-ал табиат, ҳикмат, тиб, расад, нужум, илми наботот, илми тавҳидга юздан зиёда китоб тасниф қилгандурки, мусулмон ҳукамоларини аввалидур. Аксар китоби Оврупо тиллариға таржима бўлган ва фарангийлар Ависин атайдурлар. Вафоти 428 санагадур. Абу Наср Фаробий замонидаги барча тилларни билар эканки, "қонун" деган асбоби тағанниини ижод қилиб экан. Барча тасниф қилган китоби 80 қадар. Ва илми тавҳид, фикх, мусиқий, риёзий, ҳайъат

(астрономия - тах) мантик, ҳикмат илмлариға таснифоти бор. Вафоти 339 санагадур. Хожа Фаҳриддин—ҳикмат, тиб, фалакиёт, ҳайъатга таснифоти бор, вафоти 868 санага. Ҳаким Азрақий Марвий—ҳикмат, тиб, шеърға. Бадриддин Самарқандий—тибга. Нажибиддин Самарқандий—тибга. Абдурахмон Хоразмий—ҳозирги настаълиқ хатни ижод қилган, вафоти 9 асри ҳижрияға. Абу Язид Балхий—тиб, ҳикмат, ташриҳға (анатомия -

мий—юнон тилиға моҳир, нужум, илми жабр, жуғрофия, ҳикмат, ҳайъатга таснифи бор. Аҳмад Фарғоний—ҳайъат, нужумга таснифоти борки, лотин тилиға таржима бўлгон, вафоти 226 санага. Муҳаммад Чағминий Бухорий—ҳайъатга, мўтабар китоби бордур. Али Қушчи Самарқандий—ҳайъат, жуғрофия, сарф, ҳисобга таснифоти бор, вафоти 879 санага. Шамсиддин Самарқандий—ҳандаса, риёзьяға таснифоти бор, вафоти 600 санага. Мир-

тарих, жуғрофия, нужум, фалакиёт, тиб, тарихи табиий, ҳайъатга 26 мужаллад китоб тасниф қилгон ва бир нечаси фарангий тилиға таржима бўлган, вафоти 430 санага. Фиёсиддин Самарқандий—риёзий илмиға моҳир эди. Фиёсиддин Муҳаммад Хиротий—тарихга таснифи бор, вафоти 942 санага. Муҳаммад Фарғоний—тарихга таснифи бор. Ҳофизии Абрў Хиротий—тарихга таснифи бор, вафоти 834 санага. Абу Саид Самъоний—30 жилд тарихга таснифи бор, вафоти 562 санага. Абдураззоқ Самарқандий—жуғрофияға таснифи бор. Мир Абдулкарим Бухорий—тарихга таснифи борки, фарангиға таржима бўлгандур. Булардан бошқа ақлий илмларга китоб тасниф қилган бир неча Туркистоний донишмандларни тарих ва таржимами ҳол китоблариға кўриладур. Ушбу маҳалға шу юқориға баён бўлганлар ила иктифо (кифоя - тах) қилдук "Қомус-ул аълом"¹ (Илмларнинг денгизи) ва "Туркистон уламоси"² рисоласидан мухтасар нақл қилинди.

«Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий» (1906) дан).

Изоҳ:
1. Ш. Сомий (1850-1904). 1888-89 йилларда Истанбулда нашр этган 6 жилдлик қомус.
2. И.Гаспирли (1851-1914) аса-ри.

Махмудхўжа БЕҲБУДИЙ
ТУРКИСТОН
ДОНИШМАНДЛАРИ

тах). Абдурахмон Марвозий—ҳайъат, тиб, ҳикматга. Абдураззоқ Хиротий—тарихга, вафоти 887 санага. Абу Иброҳим Гургоний—тибга, 531 санага. Шариф Хоразмий—тибга. Аҳмад бин Табиб Сарахсий—тиб, мантиқ, жуғрофия, тарих, ҳикмат, мусиқи, илми тавҳид, фалакиёт, илми жабрға, вафоти 283 санага, барча таснифоти 50 қадар. Абу Маъшар Балхий—ҳайъат, нужумға, ўндан зиёда таснифи бор ва илми ҳадисға шуғли кўп экан, вафоти 286 санага. Абу Жаъфар Хораз-

зо Улуғбек Кўрагоний Самарқандий—ҳайъат, нужумға гўё мужтаҳид экан. Самарқандға расадхона бино қилди. Зиж китобини тасниф қилганки, фаранг тиллариға таржима бўлган, вафоти 853 санага. Муҳаммад Хўжандий—ҳайъат, нужум уламосидан ва устурлоб истеъмол қилингандур. Али бинни Можур ва ўгли Ҳасан—ҳайъатга таснифоти бор. Абдуллоҳ Фарғоний—ҳайъат, риёзий уламосидандур. Абу Райҳон Хоразмий—юнон, ҳинд тилиға моҳир, 40 сана саёҳат қилиб,

Аёлнинг ўрни, аввало, оилада бўлмоғи керак, деган фикрга кўпчилик қўшилади. Лекин аёл иштирокисиз, унинг фаоллигисиз жамият тараққиётга юз тутармикан? Йўқ, албатта.

Аёл ишлаб чиқаришда — завод, фабрика, корхона ёки деҳқончиликдагина эмас, илмфан соҳасида эркаклардан кам меҳнат қилаётгани йўқ. Демак, аёл тараққиёт учун хизматда.

Тошкент кимё-технология институтининг ўқитувчиси Ма-

ли материаллар яратишга қаратилган фундаментал илмий-тадқиқотлар ўтказиш, турли керамик буюмлар ишлаб чиқариш учун янги қоришма таркибларини яратиш ва уларнинг боғлиқлик хусусиятларини ўрганиш лозим бўлади.

Бугунги кунда хорижда, ҳатто Ўзбекистонда ҳам тиббиётда имплантация усулида даволаш ва протезлаш амалиётда кенг қўлланилмоқда. Албатта, АҚШ, Исроил ва бошқа ривожланган давлатларда яратилган бу турдаги технологияларнинг бизда

Fanimiz fidoyilari

тилди ва улар турли ёшдаги ўн нафар беморларда синаб кўрилди. Биомослашувчан имплантлар ўзининг техник-тиббий хоссалари билан шу турдаги хорижий биоимплантлардан қилинмади. Энг асосийси, улар ўзимиздаги маҳаллий хом ашёларни тиббиёт талаблари нуктаи назаридан тадқиқ қилиш асосида яратилган дастлабки технология ҳисобланади. Бошқача айтадиган бўлсак, керамик матери-

аллар технологияси соҳасида тиббий мақсадлар учун имплантланган ёки протез сифатида фойдаланиладиган материалларни яратишга республикада дастлабки муваффақиятларга эришилди. Қолаверса, мутахассис ва амалиётчи шифокор-олимлар ўртасида мустақам илмий алоқалар ўрнатилди.

Мастура Орипованинг илмий-амалий изланишлари натижа бераётганини қувонч билан эътироф этиш керак. Олима "Ортофосфат магнит ортопатит — апортит системасида биомослашувчи шиша кристалли материаллар олишнинг назарий асослари ва технологиясини яратиш" мавзуси устида докторликни ҳимоя қилиш арафасида. У иккита патент муаллифи, 40 дан ортиқ илмий ишлари чоп этилган.

Х.КУЗМЕТОВА

СИЗДЕК МЕҲРИБОН УСТОЗ ТОПМАДИМ

Синфдошим, эсингдами, илк бор мактаб остонасига қадам қўйганимизда бир-биримизни ҳали танимасдик. Ўшанда бизни биринчи ўқитувчимиз Гулчеҳра Умарова таништириб қўйган эдилар.

Азиз ўқитувчимизнинг қўлимга «Алифбе» китобини бериб, илк бор сабоқ берганлари кўз олдимдан ҳеч қачон кетмайди. Алифбени ҳижолаб ўқитганлари, илк бор ёд олган шеърим, ҳуснихат дастаримга ёзган биринчи сўзим ҳали-ҳамон эсимда.

Ўша пайтда кўмакдошим бўлган Гулчеҳра опанинг меҳнатлари энди қадри кўринади. Гарчи илк бор олаётган сабоқларим менга оғирлик қилган бўлса-да, ҳозир уларни мароқ билан эслайман. Ёшлик, болалик чоғлари инсон хотирасига бир умр ўчмас ҳарфлар билан битилиб қолар экан. Онам каби меҳрибон Гулчеҳра опам ҳозир ҳам жажжи болажонларга илм бериш билан машғулдир. Очигини айтсам, ҳозир ўша болаларга ҳавасим келади. Чунки улар болаликнинг энг олтин, энг ажиб дамларини

бошдан кечирмоқдалар. Ҳозир меҳрибон устозим Гулчеҳра опа худди 12 йил аввал менга қандай алифбе сирларини ўргатган бўлса, уларга ҳам худди шундай меҳр-муҳаббат билан илм бермоқда.

Синфдошим... Сенга қандай билмадим, лекин мен ўша дамларни, сен билан ўтказган ўша такрорланмас беғубор онларни жуда-жуда қўмсайман. Биламан, энди ўша онлар ҳеч қачон қайтиб келмайди. Мен эса ич-ичимдан соғинаман.

Азиз устозим, бугун соғинч мени қўлимга қалам олиб ушбу сўзларни ёзишга мажбур қилди. Балки бу менинг инсон бўлиб камолга етишишимга сабабчи бўлганингиз учундир. Нима бўлганда ҳам сиз менинг илк ва энг сеvimли устозимсиз.

Синфдошим, мен бугун ўша устозим берган илму ўғитлар туфайли яна илм йўлини танладим. Қаерда ва ким бўлишидан қатъий назар, менинг 11 йиллик қадронларим юрагимнинг туб-тубида сақланиб туради.

Мунаввар РАҲМОНОВА,
ЎЗМУ талабаси

Ehtiom

ИЗЛАНАЁТГАН ОЛИМА

стур Орипова ҳам замон билан ҳамнафас, ҳамқадам аёллардан. "Силикат материаллар технологияси" кафедраси талабалар билан энг қизиқарли ва ҳайратомуз машғулотларни уюштиради. Кафедранинг илмий йўналишлари талабаларга ҳавола этилар экан, Мастура Орипова бир зум бўлсин, ўз миясини банд этган муаммоларни нари суролмайди.

Кенг қамровдаги шишакристалл материалларнинг қандай хусусиятларга эга эканлиги кўпчиликка маълум эмас. Ваҳоланки, маҳаллий хом ашёлар асосида декоратив шишалар олиш, тиббиёт мақсадларида ишлатиладиган биомослашувчан имплантлар, жумладан, сунъий тишлар ясаш учун шишакристал-

қўлланилиши қувончли ҳол. Масалга бошқа томондан ёндашилса, яъни хорижий технологиялар ва зарур материалларни валютага сотиб олиш мижозлар, хусусан, беморларнинг молиявий имкониятларига сезиларли таъсир этади, республикада бундай технологияларни яратишнинг илмий салоҳияти мавжудми?

Олима Мастура Орипова бу саволга шундай жавоб берди:

—Ўзбекистон фойдали қазилмаларга бой. Илмий ишларимизни малакали тиббиёт ходимлари, жумладан, стоматолог-ортопедлар билан ҳамкорликда олиб бормоқдамиз. Бу илмий-ижодий ҳамкорлик натижасида бир қатор инсон организмга зарарсиз бўлган биомослашувчан керамик материаллар асосида ортопедик протезлар яра-

БУ ЎША, ЎЗБЕК АКА!

Мен ўшанда 8-9 ёшлардаги қизча эдим. Дугоналарим билан кўчадан бери келмас эдик. Ҳар доим ёнимиздан бир киши ўтаётганида, қизлар бараварига салом берардик. У эса, бош ирғаб, алик оларди. Унинг меҳра тула кўзларидан, самимий ва нуроний юзидан яхши инсон эканлиги сезилиб турарди. Катта бўлгач, у инсон жуда кўп жангларида қатнашганини — фашист зулмига қарши курашда қаҳрамонликлар кўрсатиб қайтганлигини эшитиб, унга нисбатан кўнглимда қандайдир бир меҳр уйғонди. Бу одамнинг номини бутун туман аҳли билади. Қолаверса, Ўзбекистон танийди. Бу ўша — Ўзбек ака Аҳмедовдир.

Бу инсон билан танишиш, унинг жангларида кўрсатган жасоратларини ўзидан эшитиш учун хонадонларига ташириф буюрдим.

Менга у кишидан ўша қабохатли кунлар ҳақида сўраш ноқулай туюлди. Аммо Ўзбек ака синчков кўзлари билан менга тикилиб гап бошлади:

—Худога шукур, тинчлик замонларга ҳам етиб келдик. Эндиги авлод биз курган машғум кунларни кўрмасин. Бундай бахтли, осуда ҳаётнинг қадрига етиб яшанглар.

— Сиз жуда кўп оғир жангларида қатнашган экансиз...

—Ҳа қизим, мен кўп жангларида иштирок этганман. Куз ойлари эди. 1940 йил 5 октябрда мени Бошқирдистонга ҳарбий хизматга чақирдишди. Яхши хизмат қилганим учун Хабаровскдаги артиллерияга ишга олишди.

Бир йил утар-утмас уруш бошланиб кетди. 1941 йил декабр ойида Калининградда оғир жангда қатнашдим. Қонли жанг бўлди. Биз бу ерни зур матонат билан ҳимоя қилиб, фашист зулмидан озод этдик. Ушанда мен 19 ёшдаги йи-

лит эдим. 1943 йилнинг апрель ойида Орёл шаҳри остонасидаги Золотарева кишлоғи учун жангда қатнашдим. Уша пайтдаги жанг барча одамларни бир-бирига яқин қилиб қўйган эди. Кейин эса Брянск учун жанг бўлди. Бу шаҳарни ҳам озод қилдик. Аммо жуда кўп қурбонлар бўлди. Госпиталларда уқ тегиб ярадор булганларни, бомба портлашидан, оёқ ёки қўлидан ажраган жангчиларни куриб, дилим ноҳуш буларди. Эсимда, 1944 йил мартда Белоруссия учун даҳшатли жанг бўлди.

Ҳаммамиз жонжаҳдимиз билан курашдик. Уруш барчаини

ҳолдан тойдирган эди. Атроф қоронгу. Милтиқ уқларининг визиллаб утишидан, бомбанинг гумбурлаган товушидан атроф англашилмас эди. Шунда бомба менга яқин жойда портлади. Қочиб қолишга улгуролмадим. Кейин нима булганлигини билмайман. Кузимни очсам, госпиталда ётибман. На гапира олардим, на эшитар эдим.

Шифокорлар мени Сибирга даволатгани жунатишди. Шу дамларда менда душмандан уч олиш ҳисси қанчалик кучли бўлса, танамдаги оғир жароҳатлар ҳам шунчалик кучли эди...

Заҳматли, аммо боқий, аянчли, лекин асрларга татиғулик ҳаёт йулини босиб утган Ўзбек ака ҳозир 80 ёшда. Инсон умри у қанча йил яшаганлиги билан эмас, балки шу умри давомида қилган эзгу ишлари билан улчанади.

Шундай экан, Ўзбек ака ва шу каби инсонлар умри уша алп тоғлар, кукка виқор билан буй чузиб турган азим чинорлар умри билан тенгдир.

Дилноза КУРЧИЕВА
Балиқчи тумани

Ўқувчи қобилиятини мунтазам ривожлантириш билан бир қаторда, ўқитувчи малакасини ошириши, ўз тажрибасини дунё педагогикаси ютуқлари билан бойитиши, маънавий камолотини таъминлаши биринчи навбатдаги вазифа эканлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Инсон эзгу-мақсадига ўз тарбияси, билими орқали эришади. Бу вазифани бажаришда муаллимнинг ҳам ўз масъулияти, ўрни бор. Ўқитувчи-зиё тарқатувчи, ёритувчи чироқ сингари

ўрта мактабнинг она-тили ва адабиёт ўқитувчи Мавлуда Собиржонова ана шундай фидойи муаллимлардан. Олий тоифали ўқитувчи, катта педагогик тажрибага эга устоз олий ўқув юртини тугаллаб, 1974 йилда шу даргоҳга ишга келган эди. Шундан бери муаллимлик касбининг эъзозлаб, унга ўзининг бутун борлигини, қалб меҳрини бахшида этиб келмоқда. Бу даврда қанчадан-қанча ўқувчилар унинг кўз ўнгига катта ҳаётга йўлланма олдилар. Ўқитувчилик кишидан жуда катта куч, сабр-тоқат, матонат та-

касбга бўлган меҳр-муҳаббат муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, бизнинг касбимизда. Негаки, шундай вақтлар бўладики, ишмиз сабр-бардош, матонат талаб этади. Биз мақсадга эришиш учун болаларга бўлган муҳаббатимизни, касбимизга бўлган садоқатимизни барчасидан устун қўйишимиз керак. Ўқитувчиларнинг асосий мақсади, ўқувчилар орасида ўқишга, мактабга муҳаббатни уйғотиш, — дейди устоз.

МЕҲР ҚУЁШИ

жамиятда доимо қадрлидир.

Ўқитувчи ёш авлод таълим-тарбияси йўлида тинмай жон куйдирадиган, самарали усуллар ҳамда янги педагогик билимлар билан технологик афзалликлардан унумли фойдаланадиган, изданувчан, ўз касбига ижодий ёндашадиган мураббийдир. Бундай олижаноб касб эгалари ўқувчилар кўнглига ҳар доим йўл топа билади, қалб ҳароратини улардан аямайди. Синчковлик, самимийлик ва меҳрибонлиги билан ўқувчиларни ўзига эргаштира олади.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги 197-

лаб этадиган касбдир.

Мавлуда опа билан суҳбатлашганда, унинг гапларидан Президентимизнинг таълим-тарбия соҳасида белгилаб берган вазифаларини ана шундай устозлар амалга ошираётганининг гувоҳи бўласиз. Устоз шунча йиллар мобайнида замонавий ўқув усулларини қадам-бақадам ўрганиб, уларни нафақат ўзи амалга оширди, балки янги ишга келган ёш касбдошларига ҳам ўргатиб борди. Шунча йил бир даргоҳда ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун қанчадан-қанча машаққатли изланиш талаб этилади.

— Инсон ҳаётида

Бундай касб соҳиби бўлган фидойи инсонлар жамиятда доимо қадрлидир. Устознинг шунча йиллик меҳнатлари муносиб қадрланиб, 1997 йилда "Ўзбекистон халқ таълими аълочиси" кўкрак нишони билан тақдирланди. Опанинг шунча йиллик меҳнатлари зое кетмади. Устоз бугун ҳам соғлом, мустақил авлодни тарбиялашда камарбаста, шогирдлари доимо илм истаган меҳр қуёшининг атрофида парвона.

Волида
АБДУГАФФОР қизи

Robert GREYVZ

BOLALARNI SEVADIGAN SHOIR

Ma'lumigizkim, sahifalarimizda o'zbek bolalar adabiyoti namoyondalari haqida va ular ijodidan namunalari berib bormoqdamiz. "Ma'rifat" gazetasi endi chet el bolalar adabiyotidan ham namunalar e'lon qila boshlaydi. Siz bu sonda mashhur ingliz shoiri Robert Greyvz she'rlari bilan tanishasiz.

Robert Greyvz 1895 yilda Londonda tug'ilgan. Otasi ham shoir edi. Birinchi jahon urushi davrida (1914) Robert urushga ketadi. Urushdan so'ng Oksford universitetida o'qiydi. Avval o'z vatanida, keyin Misrning Qohira shahrida, so'ng Mayorka degan shaharda ingliz tili tarixidan dars beradi. Keyinchalik Angliyaga qaytib, o'z ko'rgan-kechirganlari to'g'risida bir qancha romanlar, qissalar, maqolalar yozadi. Shuningdek, u juda ko'p she'riy kitoblarning ham muallifidir.

Robert Greyvz ajoyib kitoblar yozarkan, hech qachon bolalarni xayolidan chetda qoldirgani yo'q. Ular uchun yuzlarcha she'riy asarlar yaratdi va 60-yillarda "Bolalar uchun" deb nomlangan alohida katta kitob chiqardi. Agar siz Robert Greyvz she'rlarini o'qisangiz, o'zingizni sehrlil olamga kirib qolganday his qilasiz. Ularning hammasi xuddi ertakka o'xshaydi, ayni chog'da, hammasi xuddi hayotdagiday. Ular garchi Angliya hayotidan hikoya qilsa-da, she'r qahramonlari nimasi bilandir boshqa barcha odamlarga o'xshaydi. Qirol Duncan, liftchi bola, Uels yolg'onchilari singari kishilar qaysi mamlakatda yo'q deysiz... Keling, yaxshisi, Robert Greyvz she'rlari bilan tanishing. Ularni sizlar uchun shoir Miraziz A'ZAM ruschadan o'zbekchaga o'g'irgan.

HECH KIM

Bizni "hech kim" so'zi Doim qilar ziq. "Hech kim"da kimdir bor, Kim u — noaniq.

Uyimizda bazm quradi Hech kim. Bekinmashoq o'ynab yuradi.

Hech kim.

Jimib kashta tikkan Qizchaday hech kim. Bog'da jimib qolar Burchakda hech kim.

Hech kim kelar — Buni bildirmas. Biroq Kelib ketganini Eshitar quloq.

Hech qachon Hech qayga ketmaydi Hech kim, Lekin yo'lda bo'lar Hech kim Har doim.

Hech kim bizdan qo'rqar (Aytgan achasi) — Polni g'ijirlatib O'tar kechasi.

VA QIROLLAR MALIKALAR

Dunyoda Jek degan qirol bor edi, Jil degan malika bor edi yana. Malika qirolni sevardi jondan, U ham malikani sevardi yona.

Qirol o'z sevikli malikasiga Har kuni muzqaymoq qilardi tortiq. Jil ham qirol Jekka berardi konfet, Sevgisi kundan-kun borardi ortib.

Hammamiz malika ila qirolmiz, Hech kimning yo'q aslo biron kam joyi. Ayniqsa, har kuni bir-birimizga Tortiq qilib tursak nedir kiroyi.

IKKI PULLIK G'IJJAK

O'yinchoqlar do'koniga borganda Sotib oldim ikki pulga bir g'ijjak. Ammo to'rtta tori ham ip ekan-da, Diqqat bilan qaramabman men tentak.

Kamoni ham ip tortilgan kamoncha, Kartondanmi, nima balo, yoqmadi. Siqsam hamki, chertsam hamki har qancha, Yoqimliroq biron sado chiqmadi.

— Ikki pulga qimmat ekan bu g'ijjak! — Deb o'yladim, alam qildi odamga. Bir qiz o'tib qoldi sochi jamalak, Sovg'a qildim o'sha qoshi qalamga.

Qizcha asta olib mendan g'ijjakni Kamonchani ishqab edi toriga, Shunday bir kuy chiqdi o'rtab yurakni, Ishonmasdim unda sehr boriga.

Hayron qolib qizga berdim bir so'roq: — Sen qayoqdan bilib olding chalishni? Menga shunday dedi kulib bijildoq: — O'ylab top-chi, qanday bildim chalishni?

Yoqasidan asta tashlar itbaliq. Ammo Jok parvo ham qilmaydi bunga. — Qo'rqoq emasdi-da anavinaqa. "Hap senimi", deya qorong'i tunda Jekning etigiga solar qurbaqa.

Qiziqchi minglarcha ertak aytadi, Bilgan ertaklari bitar nihoyat. Shunda u birinchi kunga qaytadi — Jek va Jok ertagin qilar hikoya. — Sho'x bolalar ekan, — xaxolar Duncan, — O'zing ham juda zo'r qiziqchisan, — der. — Endi bundan buyon har kun, har kecha Jek va Jok haqida aytib beraver.

LEDAMLIK VA SUSTKASHLIK

U hozirjavobdir, Tez o'ylay bilar. Men gapga no'noqman, Gap sekin kelar.

U tez so'ylab tinchir, Elni aylar gang. Men esa so'ylashni Boshlayman arang.

U chaqmoq fikriga Keltirar imon. Men sokin fikrimdan Qilaman gumon.

U barcha so'zlarin Haq deb bilar, ha! Men esa so'zimdand Qilaman shubha.

Adashganin sezsa U gangib qolar. Men adashsam, ko'nglim Bezovta bo'lar.

Unga pand beradi Uning shiddati. Meni asrab qolar Sustlik illatim.

Uni adashtirar U bilgan bilim. Men esa adashib Topaman yo'lim.



DUNKAN DEGAN QIROL

Dunyoda zerikkan qari bir qirol — Ismi Duncan o'zi — chiqazdi farmon: "Menga bir qiziqchi topilsin darhol, Har kun yangi ertak aytin kech tomon. Ammo bilib qo'ysin, bitta ertakni Ikki marta aytsa, unga shafqat yo'q. Men ham chaqiraman ikki erkakni Buni qatl eting, deb beraman buyruq".

Qiziqchi qirolga aytadi ertak. Unda Jek degan bir bola bor qiziq — Ukasi Jok kiyib yurganda yaktak,

UELSLIK YOLG'ONCHILAR

— Anov kuni Mog'oradan Chiqdi turqi sovuqlar. Nimaligin bilib bo'lmas — Allambalo mahluqlar.

— Qanday mahluq? Ajinami, ajdarlarmi, hurlarmi? — Qorong'iroq edi, Aniq ko'rolmadik ularni.

— Bir nimaga o'xshar, axir! Xo'sh, nimaga o'xshaydi? — Uelsda bundayi yo'q! Ammo yomon o'xshaydi.

— Yo tavba-ey! Biron odam qo'l tekkizib ko'rdimi? — Tekkizmadi, hamma qo'rqdi. Tushunarli bo'ldimi?

— Kattamidi, kichikmidi? Siljirmidi bir xilda? — Har xil edi. Ammo g'ordan bari chiqdi qilpillab. — Qanaqaydi? — Ajib mahluq... — Rangi qanday? — Rangi yo'q. Qizg'ishmi-ey, sarg'ishmi-ey... Tez o'zgartar rangini. Yurganida ko'tarardi So'qmoqlarning changini. — Oyoqlari bormi edi? Yo'q, taxminan yo'q edi. Sudralishib yurar edi. Ikki ko'zi lo'q edi. — Qay vaqt edi? Havo qanday?

Qaysi kuni? Kim ko'rdi? — Men ham shuni aytmoqchiydim: O'n beshta kam to'rt edi. Hayit kunning ertasiga Kun charaqlab turganda, Karnay chalib, Nog'orachi nog'orasin urganda, El yig'ildi. Shunda faqat boylar bo'lsa mayli-ya, Hamma birday Kasallarga yig'ib berdi xayriya. Shu payt chiqdi ul mahluqlar. Marshga o'xshab odimi. Ularni zo'r kutib oldi. Shahrimizning hokimi. Inglizchalab nutq so'zladi Uelscha shevada.

Ammo bundan naf chiqmadi, So'zi qoldi havoda. Kuyga, nutqqa quloq solmay Sirg'alib ketdi ular. Zumda dengiz qirg'og'iga Shullukday yetdi ular. Hang-mang bo'lib qoldi hamma. Kechki yelda sovuq yeb, Ular, ketar jafosiga Javrashdi bir nima deb.

— Nima dedi? — Qiziq tovush. — Qo'rqinchlimi? — Yo'q, aslo. — Qo'polmide, mayinmi, xo'sh? — Yo'q, jarangdor bir sado. — Salobatli, Jarang-jurung, Farqi yo'q jom tovshidan. — Nima dedi hokimimiz? — To'xta, aytay boshidan...

Алфред Нобел архивларини ўрганиш давомида турли вақтларда ёзилган иккита васиятнома борлиги аниқланган ва улардан маълум бўлганки, унинг махсус жамғарма таъсис қилиш тўғрисидаги фикри олдиндан мўлжалланган, шаклланган ва такомиллашган.

Биринчи васиятнома А.Нобел томонидан 1893 йили ёзилган бўлиб, унинг мазмунига кўра, мол-мулкнинг 20 фоизи қариндош-уруғлар ва дўстлари учун, 17 фоизи Стокгольм университети, Австрия жаҳон ҳамдўстлик жамиятига ҳамда Каролина тиббиёт-хирургия институтига ажратилган. Қолган 63 фоизи эса Стокгольмдаги Қироллик Фанлар Академиясига аталган эди.

Шуниси аниқки, А.Нобел ўзининг бу васиятномаси етарлича аниқ ва тушунарли бўлмаганлигини ўз вақтида англаб етган ҳамда 1895 йил 27 ноябрь куни, ўша биз танишиб ўтган асосий васиятномани ёзиб қолдирган.

А.Нобел вафотидан сўнг, 1897 йилнинг 10 январь куни васиятнома очилди ва эълон қилинади. Ундаги алоҳида мактубда А.Нобелнинг сўнгги илтимосини бажарувчи васийлар этиб, унинг котиби Рагнар Сулман ва стокгольмлик адвокат Рудольф Лилевист тайинланган эдилар.

Ушбу васиятноманинг эълон қилиниши бир қатор шов-шувли тортишув ва баҳсларга сабаб бўлди. Ҳатто баъзи бир миллатчи олимлар А.Нобел номига турли хил айблов ва тухматлар билан матбуотда чиқишлар уюштирдилар. А.Нобелнинг яқин қариндошлари эса тил бириктириб, васиятномани йўқ қилиб юборишга ҳаракат қилиб ҳам кўрдилар. А.Нобелнинг оиласи ва фарзандлари бўлмаганлиги сабабли, унинг мол-мулкига жиянлари ҳамда бошқа қариндошлари даъвогар бўлиб чиқдилар. Бу масала билан боғлиқ суд жараёни жуда чўзилиб кетди. Асосий васий ҳисобланган Рагнар Сулманнинг саъй-ҳаракати туфайли даъвогарлар

бирин-кетин ўз даъволаридан воз кеча бошлайдилар. Суд жараёнида муваффақият қозongan Р.Сулман энди Нобел жамғармасини ташкил этишга астойдил бел боғлайди.

Швеция Давлат парламентида овоз бериш йўли билан ўз ўрнини топган Нобел жамғармасининг Низоми Швеция қиролининг тасдиғидан ўтади ва 1900 йил 29 июнь куни А.Нобел васият қилиб қолдирган мақсадли жамғарма тўғрисидаги гоа амалга оширилди.

1897 йили А.Нобелнинг барча мол-мулкни сотишдан ҳосил бўлган жамғарманинг умумий суммаси тўққиз миллион долларни ташкил этган. 1901 йилда берилган Нобел мукофоти совриндорларининг ҳар бири 42000 доллардан олган бўлиб, бу сумма ўша даврда фан соҳасидаги энг обрўли ҳисобланган Лондон Қироллик жамияти томонидан ташкил қилинган ва Румфорд медали би-

тўғрисида сўз юритамиз. 1901 йили фақатгина учта соҳа бўйича тақдим этилажак биринчи мукофот соҳиблари эълон қилинди. Мана улар: физика соҳасидаги мукофот Вилгельм Конрад Рентгенга, кимё соҳасидаги мукофот Якоб Хендрик Вант-Гофф ва тиббиёт соҳасидаги мукофот эса Эмиль Адольф Берингга насиб этди (улар ҳақида батафсил маълумот берамиз).

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, А.Нобелнинг орзуси, мукофотлар ўз вақтида илмий кашфиёт ва ихтироларни яратиб, кейинчалик кексалик гаштини сураётган ёки илмий ишлардан узоқлашиб қолган олимларга эмас, аксинча, келажаги порлоқ ва ўз со-

ҳасининг фидойилари бўлган ҳамда илмий ишлар билан узлуксиз шуғулланиб келаётган илм дарғаларига берилиши лозим эди. Энг асосийси, ушбу мукофотлар соҳибларининг ҳаётлик чоғларида берилиши керак эди. Шу билан бирга мукофотга тақдим этилган номзодлар ичида муносиб олимларни танлаб олиш жараёнида жуда кўп муаммолар пайдо бўлган. Сабаби, қилинган кашфиётлар ва янги ихтиролар кўпинча бир нечта олимларнинг бажарган илмий ишлари маҳсули бўлиб, уларнинг ичидан кимнинг ҳиссаси салмоқлироқ эканлигини аниқлаш мураккаб масалалардан бири ҳисобланар эди. Худди шу масала баъзида турли тушунмовчиликлар, кескин мунозара ва келишмовчилик ҳолатларига олиб келар эди.

Шунинг учун ҳам, Нобел мукофоти кўмитаси аъзоларининг олдида илмий жамоаларнинг ичидан энг муносиб номзодни ажратиш олишдек муҳим вазифа турар эди. Бу ҳақда навбатдаги мақолада танишишингиз мумкин.

Абдумажит Тўраев,
физика-математика
фанлари номзоди,
Ўзбекистон Физика
жамияти Ҳайъати
аъзоси

ЕР

ИСРОИЛДА САЙЛОВОЛДИ ЖАРАЁНЛАРИ

Исроил Бош вазири лавозимини эгаллаш учун кечаётган сайловолди жараёнлари авж паллага кирди. Унда икки номзод — амалдаги Бош вазир Ёхуд Барак ва “Ликуд” ўнг фирқа етакчиси Ариэль Шаронлар ўз сайловчилари билан дастлабки “муомала”га киришди. Радио орқали эфирга узатилган ҳар икки номзоднинг ҳам реклама роликларида рақибнинг обрўсига путур етказишга интилиш кучли эканлиги сезилиб турибди. Лекин сайловчилар Ливан билан бўлган 18 йиллик можаро сабабларини бартараф этиш масаласида ўз қарашларига эга ва улар муносиб номзодни ҳар қандай бақир-чақирларсиз ҳал этса, эҳтимол. Сабаби, оддий халқнинг ҳукуматга бўлган ишончи илгаригидек эмас.

“АГНИ—2” СИНОВДАН ЎТДИ

Ўтган ҳафта Ҳиндистон “Агни—2” баллистик ракетасини синовдан ўтказди. Ракета синови Бенгал оролларида бирида ташкил этилди ва бу Ҳиндистон томонидан амалга оширилган иккинчи синов бўлди. Мамлакат мудофаа вазирлиги бу ракета “Агни—1”нинг такомиллаштирилган нусхаси бўлиб, унинг таъсир доираси 2,2 км.ни ташкил этишини маълум қилди. “Агни—2” 1 тонна микдоридagi зарядни кўтара олади.

ҲАРБИЙ ВЕРТОЛЁТЛАР ЮБОРИЛАДИ

Яқин кунларда Чеченистондаги Бирлашган ҳарбий қисмлар янги русумдаги “Ка-52 “Аллигатор” — бомбардимончи вертолётлар билан таъминланади. Бу федерал кучлар имкониятларини янада оширади. Сабаби ҳарбий вертолётлар бошқаруви “Вихр” ракетаси, 30 миллиметрли тўплар ва реактив ракеталар билан жиҳозланган бўлиб, 310 км/с тезликда 460 км. масофага бетўхтов уча олади. Ҳарбийлар ушбу вертолётлар ёрдамида Хаттоб ва Шамилга қарши бориш ҳеч гап эмас, дея таъкидлаганлар.

ШУБҲАЛИ ҚОТИЛЛИК

Франция ва Бельгия ҳукумат вакиллариининг маълумотларига кўра, Конго Республикаси Президенти Лоран Кабила отиб ўлдирилган. Лекин ҳануз қотиллик сабаблари ва тафсилотлари ноаниқлигича қолмоқда. Кимдир бу давлат тўнтаришига уришиш деса, бошқалар ҳукумат вакиллари ўртасидаги можаро натижаси, дея фикр билдирмоқда. Ушбу мавҳум ахборот телевидение орқали эълон қилинган, Бельгия Ташқи ишлар вазирлиги ходимларининг фикр билдиришича, Кабилага суиқасд уюштирилган. Ҳозирча суиқасд уюштирган президент соқчиси ёки вазирлардан бири бўлиши мумкин деган гумонлар ҳам йўқ эмас. Бўлиб ўтган ишдан сўнг Элли Капенд исмли ҳарбий бошқарувни вақтинча ўз қўлига олган.

ТЕРГОВ ДАВОМ ЭТАЯПТИ

Ҳазо секторидаги хунрезликлар сони яна биттага кўпайди. Фаластин мухторияти телевидениеси раиси Ҳишом Микки навбатдаги қотиллик қурбони бўлган. Ахборот агентликлари тарқатган хабарларга кўра, номаълум кишилар Микки яшаётган меҳмонхонага кириб, уни миясидан отиб ўлдирган. Жароҳат натижасида раис шу заҳотиёқ жон таслим қилган. Қотиллик ҳақидаги кузатувчилар фикрига кўра, бу иш Яқин Шарқдаги сиёсий можаро билан боғлиқ. Ёки бу “жинойий гуруҳлар” иши бўлиши ҳам мумкин.

НОБЕЛ

ЖАМҒАРМАСИ



ЮЗИДА

БЕМЕХРЛИК ОҚИБАТИ

Британия аҳлини ларзага келтирган навбатдаги бешафқатлик 8 ёшли Анна Климбининг ўлими эди. Тўғрироғи, қизчанинг ўлдирилиши эди. Кот-Д'Ивуарлик қизалоқнинг онаси келажагини ўйлаб Аннага холаси билан Фарбий Европага кетишига розилик берганди. У ерда мукамал билим олиш имконияти шундай қилишга изн берганди. Аннанинг 44 ёшли холаси Мария-Тереза Куао ва унинг хуштори 28 ёшли Карл Мэннинг бола таъминоти учун ҳукуматдан каттагина пул ундириб олишгач, фикрлари ўзгариб қолди. Қизча шу пайтдан бошлаб "ортиқча" саналди ва бевақт ўлимгача бўлган оғир қийноқларни бошдан кечирди...

Врачларнинг айтишича, танадаги жароҳатлар, қаттиқ шикастлар совуқ қуроллар воситасида етказилган экан. Карл Мэннинг тан олганидек, улар ростдан ҳам қизчанинг бошига велосипед занжир билан уришган.

Суд ҳукмига бўноан ваҳшийлар умрбод қамоқ жазосига маҳкум этилган бўлса-да, воқеа тафсилотларини эшитганларнинг нафрати сўнганича йўқ.

МАККОРЛИК

Яқин кунларгача Миландан унча узок бўлмаган Малпенса аэропорти рейсларни кечиктириш, юкларни адаштириш ва бошқа ноқулайликлар туғдириши билан йўловчиларни жиғибийрон қиларди. Яқинда маъмурият оддий конькилар ёрдамида ҳаммасини тўғрилади. Шундоққина аэропорт ёнида зудлик билан сунъий муз майдони барпо этдилар. Эндиликда рейс кечиккан чоғда йўловчиларга муз устида учини таклиф қилмоқдалар. Натижада одамларни самолётларга илтимосу ялинишлар билан чақиришаяпти.

КУЛИШ ҲАҚИДА ҚОНУН

Бугун Аргентинадаги энг оммавий мактаб Табасум мактаби ҳисобланади. Бу ерда 50 нафар ўқувчини тишларини чиройли кўрсатишга ўргатяптилар. Бу санъатдаги ўзига хослик шундаки, кимга қай тарзда кулишни ҳам ўргатилади: аёллар оҳиста, эркаклар жиддий қиёфада кулишлари, бадавлат кишилар эса оғизларини кенг очган ҳолда тиржайишлари лозим экан.

Иккиюзламачиликка ўргатишдан бошқа илож йўқ. Бунга эса мамлакат президенти Фернандо де ла Руа айбдор. Чунки у яқинда барча жабҳада фаолият юритувчи кишиларнинг мижозлар билан қай тарзда кулиб муомалада бўлиши лозимлиги билан боғлиқ қонун чиқарди.

Шон-шухрат — ўткинчи ҳодиса. Шу сабаб "юлдуз"лар ҳам келажакни ўйлаб, ўз тушумларини турли фойдалироқ ишларга сарфлашади.

Шу каби машҳур собиқ баскетболчи Майкл Жордан нафақат ўз шахсий ресторанига эга, балки косметика оламида ҳам фаолият кўрсатиб, иккинчи туркум маҳсулотларини намойиш эта бошлади. У ўтмишдаги афсонавий хоккейчи Уэйн Гретцки билан ҳамкорликда спорт молларини сотадиган компанияни ташкил этди. Пеле эса ўзининг кофесини истеъмолчилар-

"ЮЛДУЗ"ЛАР САВДОСИ

га таклиф этиш билан машғул. Унинг ватандошлари бўлган таниқли футболчилар Рональдо ва Ромарионинг хусусий бизнеслари юришмай турибди. Негаки, уларнинг Бразилиядаги ҳашаматли денгизбўйи ресторани "банкрот"га учраган.

Экран юлдузлари ҳам бу соҳада спортчилардан ортда қолмасликка интилишмоқда. Америкадаги "Голливуд сайёраси" ресторани тармоғи саккиз йилдан буён ишлаб турибди. (Баъзи бир мо-

лиявий можароларни эътибордан соқит қилган ҳолда). Артистлардан Деми Мур, Брюс Уиллис, Сильвестр Сталлоне, Арнольд Шварценеггер, Жерар Депардьелар унинг соҳиблари ҳисобланишади. Улар билан рақобатда Клаудиа Шиффер, Наоми Кемпбелл каби машҳур аёлларни бирлаштирган кафелар тармоғи ҳам иш олиб бормоқда.

Мусиқачилар ҳам бу соҳада ўз омадларини синаб кўришмоқда. Америкалик хонанда Шер ўзининг кўплаб хусусий мулкани ижарага

"BOSCH" — ТАРАҚҚИЁТ УЧУН

Ёшлиқдан кўниқиб қолган турмуш тарзи вақтлар ўтиб, инсоннинг бир қисми бўлиб қолади ва баъзан у турмуш тарзини бошқачароқ қилиб ўзгартириш мумкинлигини хаёлига ҳам келтирмайди. Даврлар ўзгаради ва биз аста-секин илгарилари тушуниш мушкул бўлган нарсаларни ўзимизча таҳлил қила бошлаймиз, айримларини англаб ҳам етаемиз. Тез фурсатларда ўша замонавий машинага, уяли телефонга, уй ва ишхонадаги маиший қулайликларга кўниқиб бораемиз. Бу эса ўзимизнинг замон билан ҳамқадам бўлишимизни таъминлайди. Кейинчалик, биз хонадонларимизни музлатгич, тозалагич, кир ювиш машинасию телевизорсиз тасаввур эта олмай қоламиз.

Аста-секин одамлар орасида уй-рўзғор буюмларига бўлган эҳтиёж орта бошлайди. Энди улар дуч келган нарсаларни эмас, балки ишончли, қулай, хавфсиз, оила бюджетини "қуришиб" қўймайдиган ва албатта, кўркам буюмларни ахтаришга тушадилар.

Шунда уларнинг хаёлидан шундай саволлар ўтади: Қарерда, нима ва баҳоси қанча?

Биринчи савол, оддийгина, маиший савдо уйларида ечилиши мумкин. Лекин иккинчи савол инсондан нафақат шахсий эҳтиёж учун керакли бўлган нарсани харид қилиш, балки сотиб олинган нарса дидига мос бўлиши, кейин афсус чекмаслиги ҳақида ўйлашни талаб этади. Шуларни ҳисобга олган Россия Федерацияси барчага қулайлик яратиш мақсадида танлов эълон қилди.

2000 йилнинг октябрь ойида беллашувнинг якуний 3-босқичи "Народная марка — 2000" бўлиб ўтди. Танловда қатнашмоқчи бўлган фирма, биринчидан, Россияда машҳур бўлиши, иккинчидан, бу фирма маҳсулотлари бошқа фирма маҳсулотларига нисбатан "зўрларнинг зўри" бўлиши керак. Голиб истеъмолчилар томонидан тўпланган овозлар сонига қараб аниқланди. Биринчи ўрин BOSCH фирмаси томонидан тақдим этилган кир ювиш машинаси учун берилди. Фирма биринчи бор юқори ўринни олаётгани йўқ. Бун-

дан авваллари ҳам у ишлаб чиқараётган уй-рўзғор буюмлари сифат ва мустаҳкамлиги жиҳатидан кўп мартаба эътироф этилган. BOSCHнинг тарихига назар солсак, фирма XX асрнинг 60-йилларидан бери фаолият кўрсатмоқда.

1967 йилда BOSCH ва SIEMENS фирмалари бирлашиб, ягона уюшма BOSCH und SIEMENS Hausgerate GmbH тузилди. XX асрнинг сўнгига келиб, бу компания хўжалик молларини ишлаб чиқариш бўйича дунёда 3-ўринга чиқиб олди. Дастлаб фирма 3 та фабрика, 7 та компанияга эгаллик қилган бўлса, ҳозирга келиб унинг 39 та фабрикаси, 41 та компанияси бор. Бу немис фабрикаси ўз молларини Европа, Осиё ва Америкага экспорт қилади. Дунё миқёсидаги кўп йиллик тажриба BOSCH ва SIEMENSни янада машҳур қилди.

Хориж
матбуоти асосида
Дилноза ҚҲҲИЕВА
тайёрлади.

ГЕРМАНИЯДАГИ «ГАСТАРБАЙТЕР»ЛАР

Германияда бугунги кунда ислом динига эътиқод қилувчилар мамлакат аҳолисининг анчагина қисмини ташкил этади. У ерда 2 минг мачит ва бошқа намоз ўқиладиган жойлар бўлиб, умуман 2,5 мингдан ортиқ маҳаллий уюшмалар фаолият юргизмоқда. Ислом динининг Германияга кириб келиш тарихи XVIII асрдан бошланди. Ўшанда Пруссия қироли Фридрих Вилгельм I ўзига совға қилинган 20 нафар мусулмон аскарлари туғрисида фармон чиқаради. Ушбу фармон асосида аскарлар ўз уюшмаларини тузиш ва диний мажбуриятларини мачит ўрнида Потсдамда қурилган махсус жойда бажариш ҳуқуқига эга бўладилар. Шундан сўнг ислом дини Германияда пайдо бўлди ва кенг ёйила бошлади.

XX асрнинг 60-йиллари-

да ушбу давлат жуда кўп ишчи кучига муҳтож бўлган эди. Шунда Германия ўзининг молиявий аҳолини яхшилаш мақсадида кўшни давлатлардан, яъни нокоммунистик тузумда бўлган мамлакатлардан "Гастарбайтер"ларни (Gastarbeiter — чет мамлакатлардан келган ёлланма ишчилар Германияда шу ном билан аталган. — Ф.И.) таклиф қилади.

Ишга таклиф қилинганларнинг кўпчилиги Туркиядан эди. Шартнома асосида бу "меҳмонлар" бир-икки йилдан сўнг уйларига қайтишлари керак эди, лекин қутилганидек бўлмади. Германияда яшаш уларга қулай эди. Вақт ўтиши билан ишчилар ўз оилаларини ҳам олиб кела бошладилар. Ва энди 70-йилларга келиб ишчи кучига муҳтожлик йўқолгач, Германия гастарбайтер муаммосига дуч келди. Ҳозирги пайтда ушбу давлатда 27 миллион мусулмон

яшаётганлиги маълум. Ва бундай катта кучни ҳеч ҳам назардан четда қолдириб бўлмайди. Улар мамлакат бўйлаб кенг тарқалган. Ҳаммадан кўра ислом дини Кёльн шаҳрида кўпроқ ёйилган. Бу ерда 70 мингга яқин мусулмонлар яшайдилар, уларга 100 га яқин мачит хизмат қилади.

Иккинчи мисол қилиб Дортмундни олсак, бу саноат шаҳрининг 40 фоизини мусулмонлар ташкил этади. Шаҳарнинг шимолий қисмида энг катта мусулмонлар мачити жойлашган. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, Германия жамиятининг рўй бераётган ҳар хил диний зиддиятларда ислом динининг ҳеч қандай айби йўқлигини тушуниши кўплаб зиддиятларнинг олдини олмақда.

Фарход ИРДАШЕВ
тайёрлади.

бериш билан шугулланиб, бойлигига бойлик қўшмоқда — санъатдаги истеъдодини бизнесда ҳам синаб кўрмоқда. "Болтиқбўйи булбули" Лайме Вайкуле эса "Гўзаллик салони" соҳибаси бўлиб, "Лайме-Люкс" косметика туркумини ҳам ишлаб чиқаради. Алла Пугачева ҳам ўз атирлари билан машҳур. Хуллас, "Ётиб еганга тоғ ҳам чидамас" ўзбек халқ мақолининг мағзини жаҳоннинг машҳур "юлдуз"лари ҳам жуда яхши чақиб олишган.

Воҳид БОЙМУРОДОВ
тайёрлади.

Ziynat

Дунёда битта аёл бўлса ҳам заргарга иш топилади, дейишади. Тақинчоқлар аёл ҳусни-латофатини очиб билан бирга унинг руҳига тетиклик ва хушнудлик бахш этади. Заргарлик буюмлари деганда, энг аввало, кўз ўнгимизга тилла ва кумуш тақинчоқлар келади. Заргарлик буюмларининг ҳақиқий ва софлигини аниқлаш жуда мушкул вазифа ҳисобланади. Бугун эътиборингизга заргарлик буюмларининг пробаси ҳақида маълумот берамиз.

Заргарлик буюмлари соф нодир металлдан ишланмайди. Уларни чидамли қилиш, нафис ранг бериш учун нодир металга бошқа металл қўшиш лозим бўлади. Масалан, олтин, кумуш ва мис баъзан палладий, кадмий, никель, рух би-

маси кўп ишлатилади, унинг ранги турлича бўлиши мумкин; олтинга қўшилган рангли металлнинг ранги ва миқдори қотишма рангига таъсир қилади. Масалан, 583 пробали олтин қотишмаси (унинг 58,3 фоизи олтин) да кумуш 36 фоиз, мис 5,7 фоизни ташкил этса, яшил рангда товланади; 18,3 фоиз кумуш, 23,4 фоиз мис бўлса, пушти рангда товланади; 8,3 фоиз кумуш, 33,4 фоиз мис бўлса, қизғиш бўлади. Бриллиант ишлатиб, безак буюмлари тайёрлашда оқ олтин кенг қўлланилади; 583 пробали олтин қотишмасида кумуш 23,7 — 28,7 фоиз, палладий 13,0 — 18,0 фоиз ёки никель 17,0 фоиз, рух 8,7 фоиз, мис 16,0 фоизни ташкил эта-

ЗАРГАРЛИК
БУЮМЛАРИ ПРОБАСИ

лан; кумуш ва платина мис билан; палладий кумуш ва никель билан қўшиб қотишма ҳосил қилинади. Қотишма таркибидаги нодир металл ҳамми унинг пробасини белгилайди. Кўпгина мамлакатларда проба белгиланишнинг ўлчовлар системаси жорий этилган. Қотишмадаги минг ҳиссадан қанча ҳиссаси нодир металл бўлса, шу унинг проба миқдори бўлади. 1927 йилгача Россияда мисқол (золотник) системаси мавжуд эди (96 мисқолдан иборат рус фунти асос қилиб олинган). АҚШ, шунингдек, Буюк Британия ва Швейцарияда қирот системаси қўлланилади. 1000 проба шартли 24 қирот бирлигига тенг.

Заргарлик буюмлари ва бошқа турли маҳсулотлар тайёрлашга руҳсат этилган нодир металлнинг қотишмаси пробаси қонун билан белгиланган, давлат кафолатига эга. Тайёрланган ҳар бир буюм назоратдан ўтказилади, проба миқдори кўрсатилиб, тамга босилади. Турли мамлакатларда назорат тамғаси турли шакл ва тасвирлар билан ифодаланади.

583 пробали олтин қотиш-

ди. 750 пробали олтин қотишмасида кумуш 7,0 — 15,0 фоиз, палладий 14,0 фоизгача, никель 4 фоизгача, рух 2,4 фоизгача ёки никель 7,5-16,5 фоизгача, рух 2,0-5,0 фоизгача, мис 15 фоизгача бўлади.

958 пробали олтин қотишмаси мустаҳкам эмас, шунинг учун у жуда кам ишлатилади. 375 пробали олтин қотишмасида олтин 37,5 фоизни, кумуш 10,0 фоизни, мис 48,7 фоизни, палладий 3,8 фоизни ташкил этади. Энг кўп ишлатиладиган кумуш қотишмаси 875 пробали бўлиб, ундан нафақат тақинчоқлар, балки дастурхон буюмлари: қошиқ, вилка, пичоқ тайёрланади. 916 пробали кумуш қотишмасидан (эмаль билан қопланиб) дастурхон буюмлари, 960 пробали кумуш қотишмасидан эса нафис заргарлик буюмлари тайёрлашда фойдаланилади. Платина ва палладий қотишмалари заргарликда кенг ишлатилади.

Кумуш ва жез буюмларини занглашдан сақлаш, уларга чиройли тус бериш мақсадида электролитик усудда 999 пробали олтин ёки 999 пробали кумуш билан ҳалланади.

(“Хотин-қизлар энциклопедияси” дан олинди.)



“БОДРИНГ” САЛАТИ

Бодринг салати учун: 1,5 чўмич ёғ, 1 пиёла қийма, 4 дона пиёз, 4 дона янги узилган помидор, 1 боғ укроп, 1 боғ кашнич, 0,5 кг. янги узилган бодринг, 1 дона саримсок, 200 грамм сабзи салати керак бўлади.

Киздирилган ёғда қиймани сели чиқунча қовурилади, сўнгра пиёз солиб ранг киргунча қовурилади, ундан кейин помидорни солиб ёғи чиққун-

ча яна қовурилади ва ёғи чиққандан кейин олов ўчирилади. Укроп, кашнич, саримсок майда тўғраб, бодринг йирик парракча шаклида тўғраб солинади. Сабзи салати, таъбга кўра туз, уксус эритмаси солиб аралаштирилади. Устини ёпиб қўйилади ва 1-2 соат тургандан кейин истеъмол қилинади.



Наргиза
КИЁМИДДИН ҚИЗИ



Кўпчилик аёллар юз терисини парвариш қилишни унутиб қўядилар. Баъзида бунга уй юмушларининг кўплиги сабаб бўлса, баъзида юзим ҳозирча яхши, парваришга муҳтож эмас, деган ўй сабаб бўлади. Лекин ҳар қандай шароитда ҳам юз терисига қараб, унга ҳар куни турли муолажалар қўллаб туриш зарур.

Юз териси нормал, ёғли ва қуруқ турларга бўлинади. Нормал тери етарлича нам ва ёғ ажратиб туради, тоза, силлиқ, тиниқ бўлади. Мойлангандек ялтираб турмайди. Бундай терида ёғ безларининг йўллари (майда тешиклар) билинмайди, қорануқталар ва ажинлар деярли бўлмайди.

Нормал тери ёғли ва қуруқ терилар каби алоҳида парвариш

талаб қилмайди. Бундай терини сув ва атирсовун билан ювиш, ухлалашдан олдин, албатта, юзни пардоз-андоз бўёқларидан тозалаш, кўёш нурининг ўткир ва узоқ вақт таъсир қилишидан сақланиш, шунингдек, таркибида юқори даража-


вуқ сувга ювиш керак. Совуқ сув терининг ташқи таъсирларга чидамлилигини оширади.

Нормал терини тозалаш мақсадида юзни ҳафтасига бир-икки марта совунлаб ювиш мумкин. Юзни қайнаб совуган сувга юв-

ЮЗ ПАРВАРИШИ

даги спирт бўлган сувлардан фойдаланганда эҳтиёт бўлиш керак. Ҳафтада бир марта тухум сариғи ва ўсимлик мойидан ёки асал билан тухум сариғи аралашмасидан нормал терини парвариш қилиш учун етарлидир. Эрталаб юзни со-

ган маъқул. “Қаттиқ” сувни ичимлик содаси қўшиб юмшатиш мумкин. Сувни “юмшатиш”нинг иложи бўлмаса, юзни ювиб бўлгач, унга намлигидаёқ юпка қилиб юмшатувчи крем суриш, кейин майин сочиқ босиб намини қуритиш зарур. Юқоридаги муолажадан кей-

“АСАЛЛИ”
ТОРТ

Бу торт учун:

1 стакан асал, 2 стакан шакар, 2 чой қошиқ сода, 200 грамм сариёғ, 6 дона тухум, 5-6 стакан ун ва “Шарлотт” креми керак бўлади.

Асални тоғорачага солиб оловга қўйилади, асал эригандан кейин шакар солинади, шакар ҳам эригач, сода солиб аралаштирилади. Аралашма олов устида 2-3 дақиқа тургач, сариёғ солиб, оловдан олинади. Аралашма ичиди сариёғ эритилади, сал илигандан кейин тухум солиб кўпиртириб, ун қўшиб ҳамир қорилади.

Ҳамир кашасимон куюқ бўлиши керак. Тагига ёғ сур-

Nonushta

тиб, ун сепилган газ патнисининг 4 та томони ва ўртасига 1 ош қошиқдан ҳамир солиб, қўлни унлаб ёйилади. Олдиндан қиздирилган духовкада ўртача оловда 7-8 дақиқа пиширилади. Пишиб чиққан нонлар иссиқлигида кўчирилади. Совигандан кейин 4 қават нон устма-уст қўйилиб атрафи текислаб кесилади, орасига, устига ва ёнларига крем суртиб четидан чиққан увочалар майдалаб сепилади.

“Шарлотт” креми учун 3 та тухум, 1 стакан сут, 2 ош қошиқ ун, 1 стакан шакар керак бўлади.

Кичкина қозончага тухумни чақиб, кўпиртирилиб, устига 1 стакан сут, 2 ош қошиқ ун, 1 стакан шакар солиб яхшилаб аралаштирилиб оловга қўйилади. Куюлгунча тинимсиз аралаштирилиб турилади. Қўйилгандан кейин оловдан олиб совитилади.

Совигач, 500 грамм сариёғ, совиган массада 2 ош қошиқдан қўшиб кўпиртирилади. Бу кремга хо-ҳишга қараб ванилин, ранг, какао қўшиш мумкин. Шарлотт креми билан бошқа тортларни безатиш ҳам мумкин.

Orastalik

ин озгина упа суртиб қўйса ҳам бўлади. Крем билан упа биргаликда ҳамоя қатлами ҳосил қилиб, терини ташқи таъсирлардан сақлайди.

Уйкуга ётишдан олдин юзни парвариш қилишнинг гигиеник аҳамияти бор. Кечкурун уйкуга ётишдан олдин юзни ювмасдан лосьонлар ёки суюқ кремлар ва ўзингиз тайёрлашингиз мумкин бўлган эритмаларнинг биридан фойдаланиб артиш лозим.

30 грамм укроп суви, 5 грамм глицерин, 35 грамм борат кислотасининг сувдаги 2 фоизли эритмаси энг яхши даво бўла олади. Ана шундай аралашмани юзга суртиш жуда фойдали.

Шоҳида ИСРОИЛОВА

«Қўнғирот» ЗАФАР ҚУЧДИ

Спорт мусобақаларида майдонга тушаётган ҳар бир спортчи ёки ҳар бир команда галаба қозониш ниятида бўлади. XVIII республика «Қувноқ стартлар» телемусобақасининг навбатдаги учрашуви иштирокчилари — Бухоро вилояти Фиждун туманидаги 30-ўрта мактабнинг «Зарафшон» командаси ҳамда Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги 14-ўрта мактабнинг «Қўнғирот» командаси аъзолари ҳам устозларининг оқ фоти-

ҳасини олиб, майдонга чиқишди. Мард майдонда синалади, дейилганидек, мусобақанинг дастлабки учрашувиданок ўйин шиддатли тус олди. Беш ўғил ва беш қиз иштирокидаги биринчи мусобақада («Ассалом, Бухоро, Ассалом Сурхон») «Қўнғирот» командаси аъзолари чаққонлик ва абжирликларини намойиш этишди ва 3 очко

олишди. Дастурнинг иккинчи беллашувида («Балли, қизлар») бухороликлар қўли баланд кел-

«Quvnoq startlar»

ди ва командалар тенг — 4 тадан очко тўплашди.

Дастурнинг учинчи мусобақаси — («Кучлилар енгади») кон-

курс беллашувида ҳар командадан 2 нафар ўғил ва 2 нафар қиз ўртасидаги баҳсда «Қўнғирот» командаси ғолиб чиқиб, 2 очко олди. «Зарафшон» командаси эса очко ололмади.

Хуллас, дастурдаги 9 та мусобақанинг қолган 6 та учрашувидан 3 тасида («Тўп саватда», «Балли, йигитлар», «Аралаш эс-

тафета») сурхондарёлик ўқувчилар 9 очко олишди ва 17 : 10 ҳисобида зафар қучиб, иккинчи давра учрашувларига йўлланма олишди.

Мусобақада иштирок этган ҳар иккала командага Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон «Ёшлик» КСЖ Марказий кенгазининг дипломи ва эсдалик совғалари топширилди.

Ғ.МАННОПОВ

Мана, қарийб 3 ойдики, республика-миз мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган «Фарзандлари соғлом юрт қурадли бўлур» шиори остида умумий ўрта-таълим мактаб ўқувчиларининг «Олимпиада умидлари — 2001» спорт мусобақалари ўтказилмоқда. Тўрт босқичдан иборат бўлган мусобақанинг дастлабки босқичи 2000 йил декабрь ойида ўз ниҳоясига етди. Яқинда янги йил таътилидан сўнг 2-босқичга ҳам старт берилди. Унда спортнинг оммавий етти турида ғолиб чиққан синфлар мактаб терма жамоаси бўлишиб, туман мусобақасида қатнашдилар.

Биз беллашувларнинг жойларда қандай ўтказилаётганлиги, яъни умумий жараён ҳусусида республика халқ таълими вазирлиги ҳарбий ватанпарварлик ва жисмоний тарбия бўлими бошлиғи ўринбосари Акмал Бобонов билан суҳбатда бўлдик.

— Халқ таълими вазирлиги ва бир қанча нуфузли идоралар, ташкилотлар, жамғармалар саъй-ҳаракати билан ўтказилаётган ушбу мусобақаларнинг I босқичи ноябрь ва декабрь ойларида бўлиб ўтди. Шунинг билан таъкидлаш лозимки, бўлиб ўтаётган мусобақалар барча мактаб ўқувчи ва ўқитувчилари қатори ота-оналар томонидан ҳам муносиб қарши олинди. Чунки бу каби

йирик мусобақалар жойларда (асосан чекка-чекка мактаблар назарда тутилмоқда) ниҳоятда кам ўтказилган. Ёки умуман ўтказилмаган. Шу боис мусобақалар ниҳоятда кўтаринки, юқори кайфиятда кечмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири мусобақада танланган спортнинг етти та туридан ўқувчилар куча-қўйларда, мактабларда... мунтазам равишда шуғулланиб келишади. Астойдил қизиқишади. Мен шу ўринда мусобақадан кўзланган асосий мақсадларни такрор бўлса-да, яна бир марта айтиб ўтмоқчиман. Сабаби, кўпчилик мактаб директорлари, жисмоний тарбия мураббийлари бундай оммавий тарзда олиб борилаётган мусобақаларни нима учундир яхши англаб етмаган кўринадилар. Натижада уларга юклатилган вазифалар ўз вақтида бажарилмай, турли чалкашлик ва хатоликлар юзага келмоқда.

«Олимпиада умидлари — 2001» мусобақаларини ташкил этишдан асосий мақсад, аввало, ўқувчилар сиҳат-саломатлигини мустаҳкамлашнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни кенг ёйиш, шунингдек, мактаб ўқувчилари ўрта-

сида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, спортнинг оммавий ва миллий турларини янада ривожлантириш, ёшларни маънан, жисмонан чиниқтириб, кейинги олимпиада мусобақаларида ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган муносиб спортчиларни тадрижий этиштириш кўзда тутилган. Демак, бундай ташаббусни ҳар қанча қўллаб-қувватласак арзийди.

Шундай бўлса-да, 1-босқич бўйича баъзи жойларда камчиликлар кузатилади. Жумладан, Пскент туманидаги 32-мактабда мусобақанинг 1-босқичида 5—6-синфлар ўртасида бир кун ичида спортнинг 3 туридан мусобақалар ўтказиш жадвали тузилган. 9-, 10-, 11-синфларда эса бешта спорт туридан беллашувлар ўтказиш режаси тузилган, холос. Яъни иккита спорт тури жадвалда қайд этилмагани боис синфлараро беллашувлар ўтказилмаган.

БЎЛАЖАК ОЛИМПИАДАЧИЛАР БЕЛЛАШУВЛАРИ

Шунингдек, Ўрта Чирчиқ туманидаги 16-ўрта мактабда ҳам спортнинг беш туридан мусобақалар олиб бориш шахсан мактаб директори томонидан буйруқ асосида тасдиқланган. Шунга ўхшаш «мақтовли» ҳолатни Пахтакор туманида ҳам кузатиш мумкин. 4-ўрта мактабда 1-босқич бўйича барча жадваллар ишлаб чиқилган, аммо мусобақалар ўтказилганлигини тасдиқловчи ўйинлар қайдномаларида қатор камчиликлар борлиги ҳамда стол тенниси ва енгил атлетикадан (худди Пскент ва Ўрта Чирчиқ туманидаги сингари) мусобақалар умуман бўлиб ўтмаганлиги аниқланди.

— Мана 2-босқич ҳам бошланди. Айтингчи, бунда 1-босқичдаги камчилик ва хатолар такрорланмайми?

— Менимча йўқ. Чунки I босқич билан II, III, IV босқичларнинг бир-биридан фарқи бор. Бунда жамоалар юқорига кўтарилган сари рақобат ҳам кучайиб, беллашувлар ҳар томонлама мустаҳкамлана боради. Келинг, сўзимизга исбот сифатида мусобақа низомига эътибор қаратсак. Унга кўра, II, III, IV босқичларда мактабнинг 5—11-синф ўқувчиларидан тузилган мактаб терма жамоаси ўзаро баҳс-

лашадилар. I-босқичда мактаб миқёсидаги мусобақалар ғолиблари ҳар бир спорт тури бўйича барча синфлар ўртасида ўтказилган бўлса, 2-босқичда жисмоний тарбия мураббий ва ўқитувчилари ҳамкорлигида мустаҳкам, кучли терма жамоалар тузилади. Бундан ғолиб чиққан терма жамоа март ойида бўладиган вилоят мусобақаларида (III босқичда) қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритадилар. Кўриниб турибдики, эндиги беллашувлар янада қизиқарли ва байрамон кайфиятда ўтади.

Биз суҳбат охирида Акмал ака берган маълумотлар билан танишганимизда, кўплай жойларда спортнинг енгил атлетика ва стол тенниси бўйича мусобақалар ўтказилмаганлиги ёхуд турли хатоликларга йўл қўйилганлигига гувоҳ бўлдик. Биз бунинг юқорида ҳам айтиб ўтдик. Тан олиб айтиш керакки, юртимизда спортнинг енгил атлетика ва стол тенниси тури, футбол, волейбол, баскетбол, қўл тўпи, шахмат сингари унчалик оммалашмаган. Лекин ҳозирда бу турни ўқувчи-ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш қийин экан-да, деган фикрлар ҳаёлимиздан ўтмаслиги лозим. Бунга, аввало, ҳар бир иштирокчи ёхуд уларга масъул бўлган ходимлар масъулиятни

ҳис қилган ҳолда ёндашиши керак. Шу боис эндиликда мусобақа ҳомийлари, ташкилотчилар бу масалага алоҳида эътибор қаратсалар, фойдадан холи бўлмасди.

Яна бир маълумот. Тошкент шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбларга йўналтирувчи республика лицейи терма жамоаси 2-босқичга ниҳоятда катта тайёргарлик кўришибди. Улар Миробод туманида ўтказилаётган мусобақада ўз рақибларига қарши муносиб ўйин кўрсатишмоқда. Бундаги асосий сабаб, лицей терма жамоаси мусобақаларга тайёргарлик кўриш учун кўплай ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, бевосита машғул олиб боришса, жамоаларнинг таркиби ҳар томонлама кучайган бўларди. Ахир, биз улар орасидан келгусида олимпиада ғолиблари, Осиё ва жаҳон чемпионларини кутмоқдамиз

Юқоридаги маълумотни ёзишдан мақсадимиз, аввало, кейинги бўладиган беллашувларнинг янада қизгин ва шиддатли кечишини таъминлаш, яъни эндиликда ғолиб чиққан жамоалар қўшимча сифатида турли ўртоқлик учрашувлари ўтказиб, бевосита машғул олиб боришса, жамоаларнинг таркиби ҳар томонлама кучайган бўларди. Ахир, биз улар орасидан келгусида олимпиада ғолиблари, Осиё ва жаҳон чемпионларини кутмоқдамиз

Бехбуд БОТИРОВ суҳбатлашди.

МАЪМУРЛАР ЧЕМПИОНАТНИНГ БОШИГА ЕТИШДИ

Бугун, ҳақиқатан ҳам, Бразилия футболда ачинарли аҳвол ҳукм сурмоқда. Жамоалар йил бўйи ҳафтасига уч-тўрт ўйин ўтказишга, тўртта миллий, иккита халқаро турнирда қатнашишга мажбур. Клублар оғир молиявий қийинчиликни бошидан кечиришмоқда. Ҳар бир ўйинда юз ва ундан кўп қоғда бузишлар қайд этилади. Кўпгина футбол ўйинлари қарийб томошабинларсиз ўтмоқда. Бразилия футбол федерациясининг бу йилги мамлакат чемпионатини тартибли ташкил эта олмаганлиги бу умуммиллий беқарорликнинг узига хос юқори нуқтаси сифатида намоён бўлди. Чемпионат ўрнига 116 та жамоа иштирок этадиган Жоао Авеланж (ФИФАнинг Блаттердан илгариги президенти) Кубоги баҳслари ўтказилмоқда.

Бу жиддий келишмовчиликлар Бразилия терма жамоаси ўйинларига ҳам ўз таъсирини ўтказиб, команда 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш баҳсларини суст бошлади. Бу ҳозирча терма жамоа бош мураббийсининг ишдан олинишига олиб келди...

Азиз устозимиз
Дилором Наимжонова!

Сизни қутлуғ 50 ёшингиз билан муборакбод этамиз. Болажонларни инглиз тили билан ошно қилишдек сермашаққат ва самарали ишингизга муваффақиятлар тилаб,

Тошкентдаги
136-мактаб жамоаси ва оила аъзоларингиз.



«АШАДДИЙ»ЛАР ҲАДДИДАН ОШИШМОҚДА

Ўтган йили тараққий этган Европа футбол ишқибозлари туфайли мисли кўрилмаган безориликларни бошидан кечирди.

Зўравонликларнинг биринчи тўлқини баҳордаёқ бошланган эди. Шунда Истамбулнинг «Галатасарой» жамоаси ишқибозлари томонидан Англиянинг «Лидс» жамоасининг кўринишдан батартиб икки на-

фар ашаддий мухлиси ўлдирилган эди. Истамбуллик қотилликда гумон қилинаётганларнинг оқловчисининг сўзларига қараганда, ўлдирилган Кевин Спейт ва Кристофер Лофтуслар «кўпни кўрган» эски футбол безориларидан бўлиб, муштлашув «футбол ватани» ишқибозларининг Туркия байроғини ҳақоратлаганларидан сўнг бошланган.

Ана шундан сўнг Британия футбол жамоатчилигининг қасос ўти алангаланди. Орадан бир ой ўтиб, Копенгагенда бўлиб ўтган УЕФА Кубогидаги «Арсенал» (Лондон) — «Галатасарой» ўйини турли безориликлар билан нишонланди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ
тайёрлади.

“USTOZ ADIB”

(Chaynvord-muammonoma test)

CHAYNVORD

1. Abdulla Qodiriy ilm olgan poytaxtimizdagi madrasa. 2. O'tgan kunlar" romanidagi voqealar bayon etilgan shaharlardan biri. 3. Otabekning iltimosiga ko'ra, mashshoq chalgan "Haydalish" kuyi. 4. Abdulla Qodiriyga: "Qodiriy g'oyat barkamol, ajoyib tabiatli, nodir siymo edi. Uning nasri, adib birinchi navbatda, hayotni benihoyat chuqur bilganligi, romanlaridan ufurib turgan xalq tilining qudrati beqiyos, qanoatli va asov toshqinini bemisl egallaganligi bilan tang qoldiradi", deb ta'rif bergan atoqli o'zbek adibi. 5. Adibning o'ttizinchi yillarda yozgan qissasi nomidan "Obid...". 6. Abdulla Qodiriy faoliyatiga berilgan nom. 7. Ijodkorning: "Kelingiz, yoshlar, ziyolilar, bu kun g'ayrat qiling, Uxlaganlarni agar Qodir esak uyg'otamiz" misralari bilan tugallanuvchi 1915 yilda yozilgan she'rining nomi. 8. "O'tgan kunlar" romani qahramoni. 9. Adibning "O'tgan kunlar" asariga yozgan so'z boshisidan: "... xalqimizni shu zamonning "Tohir-Zuhra"lari, "Chor darvesh"lari, "Farhod-Shirin" va "... "lari bilan tanishtirishga o'zimizda majburiyat his etamiz". 10. "Mehrobdan chayon" romanining bosh qahramoni. 11. Tarixiy roman qahramonlari Otabek va Kumushlar volidai muhtaramalari ismlariga qo'shib aytiladigan atama. 12. Abdulla Qodiriy tashkilotchilaridan bo'lgan hajviy jurnal. 13. Roman qahramoni Anvarga berilgan taxallus. 14. Jahonga mashhur asarning bosh qahramoni. 15. Abdulla Qodiriy o'z mehnat faoliyatida amalga oshirgan kasblardan biri. 16. Hajviy qissa nomidan: "... mahdumning xotira daftaridan". 17. Ilk ijodidagi drama nomidan: "Baxtsiz...". 18. "Fikr aylag'il" nomi bilan 1915 yilda yozilgan she'ridan: "Oqilo, fikr aylag'il, ki na ishlari ahli...".

Qaysi fosiq, qaysi johil, qaysi bo'ldi chapan?"

19. Abdulla Qodiriy faoliyatining asosini tashkil etuvchi badiiy ijod sohasi. 20. Atoqli ijodkor o'zbek adabiyotida asos solgan janr. 21. Dumbilnisa taxallusi bilan 1926 yilda "Mushtum" jurnalida bosilib chiqqan hajviya nomidan: "Shirvonxola... deydi?". 22. Abdulla Qodiriy: "Nazariyasi va tarixini egallash, klassiklardan o'qish-o'rganish bizning bundan keyingi o'sishimizning garovidir", deb ta'riflagan soha. 23. Ustoz adibimiz tavallud topgan shahar. 24. Chapanilar hayotidan yozilgan asari qahramoni. 25. Badiiy asarga tanqidiy nuqtai nazardan baho berib yozilgan manba. 26. Tabiiy ofat nomi bilan ataluvchi "Mushtum" jurnalida e'lon qilingan maqola. 27. Abdulla Qodiriy siymosini teatr sahnasida gavdalantirgan san'atkor.

MUAMMONOMA

Avvalo quyida ta'riflanib, raqamlarda ifodalangan so'zlarni topib, ochqichni yeching.

1. Abdulla Qodiriyning keng qo'llanilgan adabiy taxallusi — 26, 18, 9, 20, 18, 3, 14, 10, 5.

2. Abdulla Qodiriy yuksak romanlar yaratdi. Uning romanlari 20-yillarda go'yo tekis sahroda to'satdan Pomir tog'lari vujudga kelganday paydo bo'ldi — ta'rifini bergan atoqli qozoq adibi — 19, 18, 15, 8, 10, 7. 1, 13, 25, 16, 10, 13.

3. Adibning 1937 yilda "Nishondorlar" nomi bilan bosilib chiqqan kitobida e'lon qilingan ocherk qahramoni Mallavoyning vatani — 27, 2, 7, 13, 10, 3.

4. "O'tgan kunlar" filmida bosh qahramon siymosini gavdalantirgan san'atkor — 14, 25, 28, 16, 10, 22. 19, 18, 28, 1, 19, 19, 1, 22, 17, 1, 7,

2, 19, 10, 13.

5. «Abdulla Qodiriyning O'tgan kunlari» dramasi muallifi, o'zbek dramaturgi va adabiyot-

shunos olimi — 2, 16, 16, 1, 8. 4, 18, 9, 8, 10, 3.

6. Adibning hajviy mazmundagi maqolalarida qo'llagan yana bir taxallusi — 11, 1, 23, 10, 20. 19, 1, 28, 16, 18, 19.

7. Abdulla Qodiriy ijod qilgan hozirjavob, tanqidiy janr — 24, 25, 9, 25, 8, 10, 3.

8. A.P. Chexovning Abdulla Qodiriy o'zbek tiliga tarjima qilgan asari — 10, 9, 21, 1, 16, 10, 7.

9. Ijodkorning kichik asarlari bosilib chiqqan o'sha davr jurnallaridan biri — 25, 1, 3, 12, 2. 25, 6, 9.

Endi shakl kataklarida ketma-ket yozilgan raqamlarni ochqich so'zlari asosida harflar bilan almashtirib muammonomani hal eting. Abdulla Qodiriyning badiiy ijodga oid ibratli so'zlarini bilib olishga erishasiz.

SURATLI JUMBOQ

Shakl markazida mo'yqalam ustasi Mahmud Jo'rayev chizgan surat berilgan. Unda atoqli adibimiz qaysi zamondosh ijodkorlar bilan suhbatlashib o'tirganligini topib, jumboqni hal eting.

Foziljon ORIPOV tuzdi.

Gazetamizning shu yil 13 yanvar sonida berilgan
"O'zbekiston o'simliklari"

krossvord-testi javoblari: AYLANMA KROSSVORD

Belgilangan xonadan raqam atrofiga soat mili yo'nalishida: 1. Zarg'aldoq. 2. Shaftoli. 3. Kashnich. 4. Qariqiz. 5. Tarvuz. 6. Ituzum. 7. Isiriq. 8. Jasmin. 9. Sedana. 10. Gulbeor. 11. Bug'doy. 12. Dalachoy. 13. Chilonjiyda. 14. Atirgul. 15. Zarang. 16. Qayroqi. 17. Qandil. 18. Qandak. 19. Qoqio't. 20. Tamaki. 21. Kurmak. 22. Otquloq. 23. Kovrak. 24. Qoraqat.

CHAYNVORD

25. Do'lana. 26. Arpa. 27. Andiz. 28. Zig'ir. 29. Rovoch. 30. Chinor. 31. Ro'vak. 32. Kanop. 33. Paxta. 34. Ajriq. 35. Qizg'aldoq. 36. Qamish. 37. Sholi. 38. Ismaloq. 39. Qovun. 40. Nok. 41. Kurtak. 42. Kanakunjut. 43. Turp. 44. Pomidor. 45. Rayhon. 46. No'xat. 47. Terak. 48. Kishmish. 49. Sholg'om. 50. Mosh. 51. Shuvoq. 52. Qoramug'. 53. Gumay. 54. Yo'ng'ichqa.

TOPISHMOQLI MUAMMONOMA

1. Archa. 2. Bodom. 3. Tariq. 4. Daraxt. 5. Shotut. 6. Anor. 7. Gilos.

Topishmoqlar: 1. Osti sariq, usti sariq, Shirin, totli ichi tariq. (Anjir)
2. Osmondan tushdi bir tugun, Usti baxmal ichi un. (Jiyda)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Истикболни белгилаш ва статистика давлат комитети Бош ҳисоблаш маркази томонидан "Madina Nodira" хусусий фирмасига ҳўжалик субъектини корхона ва ташкilotлар давлат регистрига киритиш ҳақида берилган (022878 25.12.96) гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Ma'rifat

ТАБСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги,
Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Марказий Кўмитаси.

Бош муҳаррир:
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БУРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фахриддин КАРИМОВ (масъул котиб), Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хулқар ТУЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Уткир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмаҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида
Лилия БИНАШЕВА ва Милоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

Навбатчи муҳаррир: Аҳмад ОТАБОЕВ,
Навбатчи: Шерали НИШОНОВ.

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот Кўмитасида № 20 рақам билан 12 июнь 1998 йил рўйхатга олинган.
ИНДЕКС: 149, 150.
Г-2017. Тиражи 36.750.
Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табок,
Офсет усулида босилган,
қоғоз бичими А-3.

Босингга тошириш вақти — 20.00.
Тоширилди — 20.00